



Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2000 йил 25 ноябрь, шанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 91 (7286)

ЕВРОПА БОЗОРИГА ЙЎЛ ЯНАДА КЕНГАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 20-22 ноябрь кунлари расмий ташриф билан Италия Республикасида бўлди



Италия жаҳон сиёсати ва иқтисодиётида катта маънага эга. У айна жиҳатлари билан қудратли бўлган давлатлар гуруҳи — “Катта еттилик”ка киришини эслатиб ўтиш кифоя. Бу мамлакатнинг БМТ, Европа Иттифоқи (ЕИ), НАТО, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотларида ҳам улкан нуфузи бор.

Аввало, ташрифнинг сиёсий жиҳатига эътибор қарат-

сак. Ўзбекистон раҳбари расмий ташриф билан дунёнинг кўплаб мамлакатларига борган. Бироқ Италиядек нуфузли давлатга бундай сафар илк бор уюштирилди. Тўғри, 1996 йилда Ислон Каримов Флоренцияда бўлган эди. Бироқ бу ташриф ўша йили Италияда ўтказилган ЕИ кенгаши доирасида бўлиб ўтганди. Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Римга бир неча бор отланган бўлса-

да, бу ердаги ҳукуматнинг беқарорлиги сабабли сафарлар орқага сурилиб келаверди. Шундай эса-да, Флоренция сафари мамлакатларимиз ўртасида олий даражадаги учрашувларни бошлаб бергани билан тарихга кирди.

Хар бир давлат раҳбарининг иккинчи мамлакатга ташрифи улар ўртасидаги муносабатларга ҳуқуқий асос яратишга хизмат қилади. Шу

жиҳатдан қараганда, Ислон Каримовнинг Италияга сафаридан кўзланган сиёсий мақсад икки жиҳати билан эътиборга молик. Биринчиси, икки мамлакат ўртасидаги сиёсий муносабатларни янги босқичга кўта-

(Давоми 2-бетда)

Суратда: расмий ташриф пайти.

Муҳаммад АМИН олган сурат.

СЎНГГИ УЧ КУН ХАБАРЛАРИ



ТАБРИК

Мамлакатимиз раҳбари Ислон Каримов буюк ўзбек мусаввири Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллик тўйи муносабати билан ташкил этилган “Камолиддин Беҳзод ва Шарқ миниатюра санъати” халқаро анжумани иштирокчиларига табрик мактуби йўллади.

ТАҚДИМОТ

Бирлашган Араб Амириклариде Ислон Каримовнинг “Ўзбекистон маънавий юксалиш йўлида” асари араб тилида чоп этилди. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида бўлиб ўтган ушбу китоб тақдимот маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, хорижий дипломатия ваколатхоналари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

НОЁБ ТОПИЛМА

Самарқанд вилоятининг Челак тумани ҳудудидан Сақ маликаси жасади ва ўша даврга оид антиқа хунармандчилик буюмлари топилди. Деярли 2,5 минг йил аввалги ўтмишимиздан шаҳодат берувчи бу топилмалар Ватанмизнинг қадим-қадимлардаёқ юксак ривожланган маданий марказлардан бўлганлиги ҳақида далолат беради.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ўзининг илмий асосланганлиги, ноёблиги, инсонпарварлиги ва эртанги кунга — XXI асрга мўлжалланганлиги билан ҳаётимизда ўз ўрнини топди, дунё ҳамжамияти томонидан тан олинди, ўрганилмоқда, тарғиб этилмоқда. Жамиятимиз янгиланишига ва истиқболга хизмат қиладиган Миллий дастурнинг ўз вақтида ишлаб чиқилганлиги ва амалга оширила бо-риши воқеликка айланди.

Дарҳақиқат, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг гоёси, мақсади, фикрлар қамрови те-ранлиги билан катта ижтимоий аҳамиятга эгадир. Мазкур дастур, уни рўёбга чиқариш оми-лари жамиятда замонавий таъ-лимнинг юксак қадриятларини англаб етиш ҳиссини юзага кел-тирди. Бу қадриятлар баркамол шахсни шакллантиришга, мам-лакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига ўз ижобий таъсирини ўтказмоқда ва бу жараён тако-миллашиб бормоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури “Ўзбекистон — келаж-аги буюк давлат” гоёсига асосланади ва унга хизмат қилади. Айнан шу буюк мақсад

жамиятнинг барча ижтимоий тои-фалари ва гуруҳлари, ҳаракатлар ва партиялар, Ўзбекистоннинг бар-ча халқини бирлаштира олади.

Бугунги вазибаларни англаш мақсадида “Миллий истиқлол гоёси: тушунча ва тамойиллар” ри-соласидаги “Сўзбоши”да Ўзбеки-стон Президенти Ислон Каримов

айтадиган бўлсак, бу борада барчамиз учун фикрлаш ва ишлаш замони келди”.

Юқорида келтирилган фикр-лар асосида айтиш мумкинки, Кадрлар тайёрлаш миллий дасту-ри бугунги кунга келиб, барча давлат тузилмалари ва ижтимо-ий ташкилотлар, Ўзбекистоннинг

миллий дастурининг миллий истиқлол гоёсини шакллантириш-даги роли ва ўрнини қандай изоҳлаш мумкин?

Биринчидан. Миллий дастур-нинг асосий мақсади — баркамол шахсни шакллантириш. Миллий модел ва дастурнинг вазибалари-ни амалга ошириш, мустақил фик-

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ГОЯСИ

фикрига эътибор берайлик:

«Эндиги вазибамиз шундан иборатки, миллий истиқлол гоёси тушунчалари асосида кенг жамоатчилик, зиёлилари-миз, илм-фан ва маданият на-мояндалари, аввало, маънавий-маърифий соҳа ходимлари мил-лий мафқурани такомиллашти-риш ҳамда унинг асосий тамой-илларини одамлар онги ва қал-бига сингдиришга қаратилган ишларни янги босқичга кўта-ришлари зарур. Маърифатпар-вар шоирларимиздан бирининг сўзларини бир оз ўзгартириб

барча фуқароларининг иши, яъни умумхалқ, умуммиллий ишига ай-лани ва ўз мақсади, вазибала-ри жиҳатидан миллий гоёни амалга оширишнинг муҳим оми-ларидан бири сифатида кўри-лиши мумкин.

Демократик жамиятнинг усту-ворликларига мос келадиган ян-гича онгни шакллантириш икки асосий омил таъсирида, яъни бе-восита ижтимоий амалиётда ҳамда таълим-тарбиянинг мақ-садли йўналтирилганлигида амалга ошади.

Хўш, Кадрлар тайёрлаш

райдиган, эътиқоди мустаҳкам шахсни — ватанпарвар, фидойи, истиқлол ва демократия гоёлари-га содиқ фуқарони вужудга келти-ради. Хулоса қилиб айтганда, он-гли равишда жамиятнинг ижтимо-ий-сиёсий турмушида фаол қатна-шиш лаёқатига эга бўлган, ижти-моий жараёнларга бевосита таъ-сир кўрсата оладиган, мамлакат тақдири учун масъул бўлган шах-сни тарбиялаш — Кадрлар тайёр-лаш миллий дастурининг устувор жиҳатидир.

Иккинчидан. Миллий дастур мақсад ва вазибаларининг амал-

Fikr

га оширилиши ҳуқуқий давлат куриш, тафаккур ва мунозара маданиятини ривожлантириш, шахснинг ички дунёсини бойи-тиш ва янги ижтимоий муно-сабатларни шакллантириш ор-қали мамлакат ижтимоий-сиё-сий турмушига демократия асосларини жорий этишга хиз-мат қилишидир.

Учинчидан. Бугунги кунда миллий истиқлол гоёсини ижти-моий онг сифатида шаклланти-ришга йўналтирилган аниқ чора-тадбирлар тизимини ишлаб чи-қиш, унинг жамиятимиз томони-дан ўзлаштириб олинishi учун шароит яратиш тақозо этилади. Бу эса, ўз навбатида, Миллий дастурни амалга оширишда белгиланган вазибалар билан чамбарчас боғлиқдир. Шунга эришиш лозимки, хар бир фу-қаро ўзига савол бериб, “мен жамият, Ватан учун нима қил-дим” — деб ўйласин ва мамла-катимиз тараққиётига, юрт рав-нақи, гуллаб-яшнашига ўзининг муносиб улушини қўша олсин.

(Давоми 4-бетда)

ЕВРОПА БОЗОРИГА ЙЎЛ ЯНАДА КЕНГАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

ришда кўринади. Юртбошимиз Италия президенти Карло Адзелио Чампи, ташқи ишлар вазири Ламберто Дини, парламентнинг юқори ва қуйи палаталари раҳбарлари билан музокаралар чоғида уларга Ўзбекистон юритаётган сиёсатнинг асл моҳиятини тушунтириб берди. Таъкидлаш жоиз, улар бу сиёсатни қўллаб-қувватлашни билдирди. Томонлар сиёсий ҳамкорлик ҳар икки давлатнинг манфаатларига хизмат қилишини таъкидлади.

Ташрифнинг иккинчи жихати Европа Иттифоқи ва қитъадаги бошқа йирик ташкилотлар билан ҳамкорликка узвий боғлиқ. Таъкидланганидек, Италиянинг сиёсий ва иқтисодий салоҳияти унинг Европада ўз сўзини айтишига имкон беради. Шу жиҳатдан мазкур мамлакат билан ҳамкорлик Ўзбекистонга кенг имкониятлар очиб беради. Давлатимиз раҳбари журналистларга берган интервьюсида айтганидек, Италия билан ҳар томонлама алоқаларни кенгайтириш Ўзбекистонни бутун Европа Иттифоқи билан янада яқинлаштиради.

Хўш, ЕИ билан муносабатларимизда Италия қандай ўрин тутиши мумкин? Ўзбекистон танлаган сиёсий ва иқтисодий йўл дунёда тўғри деб эътироф этилаётган бўлса-да, жаҳон, жумладан, Европа давлатлари бу йўлнинг моҳиятини кенг ва батафсил тушуниш учун ҳали талай ишлар қилиниши керак. Зеро, мамлакатимиздаги ўзгаришларни билиши, юртимизнинг имкониятларини англаб етиши уларни Ўзбекистонга жалб қилишда муҳим омил бўлади. Италиянинг халқаро майдондаги оғури бу борада ўзига хос ўрин тутиши мумкин. Яъни, давлатимизнинг ЕИ билан муносабатларини янада мустаҳкамлашда Италиянинг сиёсий-иқтисодий нуфуздан фойдаланиш имкониятлари бор. Италия сафари чоғида бу вазифа муваффақиятли удаланди, дейиш мумкин. Римда бўлиб ўтган учрашувлар давомида мазкур мамлакат раҳбарияти Ўзбекистон юритаётган сиёсатни тушунишга ҳаракат қилишини, унинг ЕИ сари интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёр эканини билдирди.

Мазкур ташриф Ўзбекистоннинг ЕИ билан муносабатларини кенгайтиришда муҳимлигини битта мисолда кўриш мумкин. 2001 йилда Италия Европа Иттифоқи раисликни қабул қилиб олади. Ташрифнинг айна шу воқеа арафасида амалга оширилгани сафар учун жуда фойдали вақт танланганини кўрсатади. Зеро, машҳур ибора билан айтганда, энди "барча йўллар

Римга олиб боради". Шу жиҳатдан олиб қаралганда, бу ташриф орқали Ўзбекистон раҳбари "бир ўқ билан икки кўнни урди", дейиш мумкин. Яъни, биринчидан, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш учун залворли ҳуқуқий асос яратилган бўлса, иккинчидан, ЕИ билан муносабатларимизни кенгайтиришга янада кенг имконият пайдо бўлди.

Ўтган йили Ўзбекистон билан Италия ўртасидаги савдо-сотиқ ҳажми 120 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бунда Ўзбекистоннинг экспорти 45,4 миллион долларга тенг бўлди. Италия мамлакатимиз билан савдо-сотиқ ҳажми жиҳатдан ЕИ аъзолари орасида бешинчи ўринни (Буюк Британия, Германия, Белгия ва Франциядан кейин) эгаллади. Ўзбекистон бу давлатга пахта толаси, қора ва рангли металллар, нефть ва уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар, газлама каби товарларни экспорт қилса, у ердан юртимизга технология, турли электр ва механика ускуналари, мебел ва бошқа товарлар олиб келинади.

Айни пайтда юртимизда ўнлаб Ўзбекистон-Италия қўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Бу ўринда ишлаб чиқараётган маҳсулотлари нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам машҳур бўлган "Ўзпластитал" қўшма корхонасини эслатиб ўтиш кифоя. Ҳамкорликдаги корхоналарнинг фаолияти спиртсиз ичимликлар, вино, тўқимачилик ва пардоз-андоз маҳсулотлари, халқ истеъмолчи моллари, савдо ва пахта чиқиндисини қайта ишлаш каби соҳаларни қамраб олган.

Италиянинг "ФИАТ" концернига кирувчи корхоналар мамлакатимизнинг машина-созлик саноатига сармоя киритиб келяпти. Жумладан, Самарқанддаги "СамКочавто" қўшма корхонасини ташкил этишда қатнашган "Коч холдинг" компаниясининг 27 фоиз акцияси мазкур концерннинг "Ивеко" фирмасига тегишли. Шунингдек, юртимизда машҳур бўлган АҚШнинг "Кейс корпорейшн" ва Нидерландиянинг "Нью Холланд" фирмалари бирлашувидан вужудга келган "Кейс-Нью Холланд" компанияси акцияларининг 71 фоизи "ФИАТ" ихтиёридадир.

Бугунги кунда Италиянинг "Алениа-Маркони системз", "Албаррело Федерико", "Леско СРЛ", "Текинт", "Де Нора", "СНИА-Вискоза", "АББ-Соими" каби фирма ва компаниялари Ўзбекистондаги корхоналар билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Юртимизда "Индутек С.п.а." "Консорцио ИТАК", "Агро Индастриал Свисситал С.п.а. Ажэнд С.п.а." ва "Соими Сосьета Импианки Индустиале С.п.а." компанияларининг ваколатхоналари ишлаб турибди.

Айни пайтда Ўзбекистонда

Италия билан ҳамкорликда умумий қиймати 120 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 31 лойиҳа амалга оширилмоқда. Яна шунча қийматга эга бўлган 22 лойиҳа устида иш олиб бориляпти.

Хорижлик ишбилармонларни ўзига жалб қилишга бел боғлаган давлатда банк тизими яхши йўлга қўйилган бўлиши керак. Мамлакатимизда бу соҳадаги ишларнинг ёмон эмаслиги ҳам ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашда қўл келади. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки дунёнинг беш юзта энг нуфузли банки қаторидан жой олгани бунинг ёрқин бир мисоли. У Италиядаги 17 банк билан ҳам яқин алоқа ўрнатган. "Банка Кариппло", "Банка ди Рома", "Банка Коммерциале Италияно", "Банка Насионале дел Лаворо", "Сити банк" шулар жумласига киради. Италия сафарида бу ҳамкорлик янада мустаҳкамланди. Мамлакатимиз Миллий банки билан Италиянинг "Насионале дел Лаворо" банки ўртасида 10 миллион АҚШ доллари қийматида эга бўлган молиявий битим имзоланди.

Ўзбекистонда Италиянинг талай компания ва фирмалари фаолият кўрсатаётганига қарамай, икки ўртадаги савдо айланмаси ҳажмига назар ташласак, унинг имкониятларимиз даражасидан анча пастилиги кўринади. Ислол Каримовнинг Италияга ташрифидан кўзланган иккинчи асосий мақсад ана шу сусткашликка барҳам бериш, ўзаро иқтисодий алоқаларни юқори босқичга кўтариш эди. Шу сабабли сафар чоғида Италия ишбилармон доиралари вакиллари билан мулоқотларга кенг ўрин берилди.

Сўнгги олти-етти йил ичида Ўзбекистонга киритилган хорижий сармоя ҳажми тахминан 11 миллиард долларни ташкил этди. Жорий йилда бу кўрсаткич 1 миллиард 200 миллион доллар атрофида бўлиши мўлжалланган. Аммо мамлакатимизга сармоя ётқишида Италиянинг улуши анча кам. Италиялик ишбилармонлар билан учрашувда давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда ниҳоятда қулай сармоявий иқлим вужудга келтирилганини таъкидлар экан, уларни фаолроқ бўлишга даъват этди.

Ислол Каримов, Италия сармоясининг Ўзбекистонга кириб келиши сустлигининг сабабларидан бири юртимизда хориж сармояси учун яратилган имтиёз ва қулайликларнинг етарли даражада тарғиб-ташвиқ қилинмаётганида, деб билишини айтди.

Давлатимиз раҳбари италиялик ишбилармонлар учун мамлакатимизда фаолият юритишда фойдали бўлган талай соҳаларни санаб ўтди. Улар сирасига ёнилғи-энергетика, ипакчилик, пахтани қайта ишлаш, қурилиш, кимё, улкан заҳирага эга бўлган ероти бойликларини ўзлаштириш каби тармоқлар киради. Биргина пахтачиликни

олиб кўрайлик. Ўзбекистон пахта сотиш бўйича дунёда етакчи ўринда туради. Бироқ замонавий технологиянинг киритилиши хомашёни юртимизнинг ўзида қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантириш, яъни тўқимачилик саноатини ривожлантиришни таъминлайди. Агар Италия бу соҳада дунёда етакчи ўринни эгаллашни назарда тутса, ўзаро ҳамкорлик катта фойда келтириши аён бўлади. Нефть-газ қазиб олиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашдан келади-ган даромад ҳам кам эмас. Ўзбекистонда ҳар мавсумда қирқ фоизгача полиз-сабзавот маҳсулотлари ва мева-чева истеъмолчигача етиб бормайди. Исроф бўлади. Янги, замонавий технологияни жалб этиб, уларни ўз вақтида қайта ишлаб, савдога чиқаришни йўлга қўйиш нақадар фойдали бўлишини шу рақамлар ҳам кўрсатиб турибди.

Италия сайёҳлик соҳасида дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Ҳар йили қадимий Рим, Венеция каби шаҳарларни томоша қилиш учун бу ерга миллионлаб сайёҳ ташриф буюради. Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон каби кўп асрлик тарихга, бетақрор обидаларга эга шаҳарларимиз ҳам Италиядаги ёдгорликлардан асло қолишмайди. Президентимиз таъбири билан айтганда, бу шаҳарларимиз фарбликларга Шарқ дунёсини очиб беради. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, Римда "Ўзбектуризм" миллий компанияси билан Италия Туроператорлари уюшмаси ўртасида сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзолангани муҳим иш бўлди.

Икки мамлакатнинг иқтисодий ҳамкорлигида муҳим ўрин тутадиган талай омиллар мавжуд. Жумладан, Ўзбекистон Италия орқали Европа бозорига кириб боради. Италиянинг юртимиз билан алоқаларни мустаҳкамлаши эса унинг Ўрта Осиё ва Қозоғистонни бирлаштирган улкан ҳамда бой минтақада ўзи учун муҳим бозор очиб имкониятини беради. Италия ҳам Фарбнинг тараққий этган давлатлари қаторида фақат ЕИ доираси билан чекланиб қолмай, узоқ ҳудудларда ўз истеъмол бозорини ташкил этишга уринаётган бир пайтда бу имконият жуда муҳим омил бўлади.

Италия президенти Карло Адзелио Чампи ва ташқи ишлар вазири Ламберто Дини сиёсий арбоб бўлиш билан бир қаторда, Фарбда тан олинган етакчи иқтисодчилар ҳамдир. Шу сабабли Ислол Каримовнинг улар билан ўтказган музокараларида Ўзбекистонда иқтисодий ўзгаришларга афрофлича тўхталиб ўтилди. Улар мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотларга юқори баҳо берди.

Ислол Каримовнинг Ватиканда Рим папаси Иоанн Павел Иккинчи билан учрашуви

Италия сафарининг муҳим қисми бўлди. Дунёда улкан оғура эга бўлган католиклар раҳнамоси давлатимиз раҳбарини жуда самимий кутиб олди. Унинг, ибодатларимизда бошқа мамлакатлар қатори, Ўзбекистон халқига ҳам тинчлик, осойишталик ва фаровонлик сўраб, Яратганга илтижо қиламан, деган сўзлари Рим папасининг юртимизга катта ҳурмат-эҳтиромининг изҳори бўлди. Албатта, аҳолисининг қарийб 85 фоизини мусулмонлар ташкил этувчи давлат раҳбарининг Рим папаси билан учрашувидан кўзланган мақсад нима эди, деган савол туғилиши мумкин. Мамлакатимизда кам сонли бўлса-да, католиклар ҳам истиқомат қилади. Уларнинг эмин-эркин яшаши ва эътиқод қилиши учун юртимизда тўла шароит яратилган. Бу Ўзбекистонда диний, ирқий ва миллий тотувлик йўналишида юритилаётган одил сиёсатнинг самарасидир. Ислол Каримовнинг Рим папаси билан мулоқоти юртимизнинг ўз сиёсатида изчил эканидан дарак беради.

Шу кунгача Ўзбекистон талай давлатлар билан халқаро террорчилик, уюшган жиноятчилик ва наркотик моддаларнинг ноқонуний тарқалишига қарши кураш тўғрисида битимлар имзоланган. Италия сафари чоғида мазкур мамлакат билан ҳам шундай ҳужжат имзоланди. Ислол Каримов журналистларга берган интервьюсида мазкур битимнинг аҳамиятига тўхталар экан, бундай курашда қанча кўп шерик, қанча кўп ҳамкор бўлса, шунча яхши, деди.

Шунингдек, Римда Ўзбекистон билан Италия ўртасида икки томонлама солиқдан чекланиш, автомобиль транспортда халқаро юк ва йўловчи ташишни ўзаро тартибга солиш, транспорт соҳасида ҳамкорлик, божхона ишларида ўзаро маъмурий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги ҳужжатлар ҳамда Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг ратификация ёрликларини алмашиш тўғрисидаги протокол имзоланди.

Италия ташрифи томонларнинг турли масалалар бўйича қарашлари бир-бирига яқин эканини кўрсатиб берди. Ислол Каримов ҳам Италия сафари жуда самарали бўлганини алоҳида таъкидлагани бежиз эмас. Зеро, Италия томони сиёсий-иқтисодий масалаларда Ўзбекистон билан ҳар қандай мулоқотга тайёр эканини, уни қўллаб-қувватлашни билдирди. Шундай экан, тарихига шундай ташриф кирган Ўзбекистон-Италия муносабатларининг истиқболи порлоқдир.

Анвар КАРИМОВ,
ЎЗА махсус муҳбири,
Тошкент-Рим-Венеция-
Тошкент.

ШАРКУ ФАРБ МУСАВВИРИ

Янги мингйиллик арафасида Шарку Фарб тамаддуни уйғунлашиб борар экан, жаҳон миқёсидаги салоҳиятга эга бўлган шахслар ижодиётига мурожаат, эҳтиёж ортиб боради. Халқимиз бундай даражадаги алломаларга бениҳоя бой. Истиклол йилларида улар ҳаёти, ижодига қизиқиш, эътибор ва талаб янада ортди. Жаҳон маданияти равнақиға улкан ҳисса қўшган Шарқ миниатюра санъатининг буюк намоёниси Камолиддин Бехзод шундай буюк шахслардан бири. Айни кунларда улуғ мусаввир бобомизнинг 545 йиллиги тўйи юртимизда кенг нишонланмоқда.

Байрам тантаналари 23 ноябрь куни эрта тонгда Ўзбекистон Миллий боғида бошланди. Йиғилганлар Алишер Навоий ҳайкалига гуллар қўйдилар. Шундан сўнг Темурийлар тарихи Давлат музейида "Камолиддин Бехзод ва Шарқ миниатюра санъати" халқаро илмий анжумани очилди. Уни Бош вазир ўринбосари Ҳамидулла Кароматов бошлаб берди. Сўзга чиққанлар, жумладан, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги бош вакили Майкл Барри Мейн,

хиндистонлик профессор Ш.Косимий, турк олими М.Бойдаш, буюкбританиялик олим И.Баҳорий ва бошқалар Бехзоднинг умумжаҳон рассомлик санъатидаги ўрни ва унинг ижоди аҳамияти ҳақида сўзладилар.

Пойтахтимизнинг «Туркистон» саройида бўлиб ўтган тантанали йиғилиш ҳам буюк бобоколонимизнинг табаррук тўйига бағишланди.

Бадий академиянинг Марказий кўргазмалар залида Бехзод ва унинг издошлари, Бехзод мусаввирлик мактаби давомчилари ижодиётига бағишланган кўргазма очилди. Улар ижодини кенг тарғиб этиш, рағбатлантиришга ҳам кенг эътибор берилмоқда. Бехзод анъаналари давомчилари ва тарғиботчиларидан Ш.Мухаммаджонов Бадий академиянинг олтин медали, Ҳабибулла Солих кумуш медали, туркиялик Умар Кўч ва британиялик Ибодулла Баҳорий, Шорасул Шоаҳмедовлар академиянинг махсус дипломлари билан тақдирлангани бунинг ёрқин далилидир.



Тошкентдаги 27-болалар боғчаси ташкил этилганига етмиш йилдан ошиб, унда шу кунга қадар минглаб болалар тарбия олганлар. Бу масканда инглиз тили, компьютер хоналари, рақс тўғараги мавжуд бўлиб, болаларга малакали тарбиячилар раҳбарлик қилишади. Рақс тўғарагини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, раққоса Жонон Ғаниева бошқариб келмоқда. Шунингдек, тарбияланувчилар каратэ, шашка, "моҳир қўллар" тўғарақларига ҳам қатнашадилар.

Туман бўйича "Соғлом авлод йили" муносабати билан ўтказилган 50 та болалар боғчалари ўртасидаги футбол мусобақасида мазкур боғча болалари 1-ўринни олган бўлса, ёш шашкачилар 2-ўринни эгаллашди.

Суратларда: 1. Бош тарбиячи Мукамбар Отахонова болаларга экология тунунчаси ҳақида сўзлаб бермоқда. 2. Тайёрлов гуруҳи болалари тарбиячи Шаҳзода Мухиддинова ёрдамида шашка бўйича гуруҳ мусобақасини ўтказмоқда. Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Юнусобод туман хотин-қизлар кўмитасининг "Оналик ва болалик" маркази қошида "Камолиддин Бехзод авлодлари" номидаги кам таъминланган, ногирон, кўп болали оилалардаги истеъдодли болаларни қўллаб-қувватлаш маскани иш бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ.

Яқинда бу маскан Камолиддин Бехзод таваллудининг 545 йиллигига ва Соғлом авлод йилига бағишлаб "Камолиддин Бехзод авлодла-

ри—2000" туман кўргазма-танловини ўтказди. Унда Юнусобод туманидаги меҳрибонлик уйида, махсус мактаб-интернатда, лицей ва ўрта таълим мактабларида тарбиялана-

Ко'rgazma

ётган ижодкор болаларнинг миллий хунармандчиликка оид асарлари намойиш этилди.

Танлов совриндорлари шаҳар кўргазмасида иштирок этадиган бўлишди.

Шерзод АХМАТОВ,
"Маърифат" мухбири

ХАЙРЛИ ТАДБИР



Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кўмитаси республикамиз олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабаларни ижтимоий-иқтисодий қувватлаш борасида қатор ибратли ишларни амалга оширмоқда. Шундай хайрли тадбирлардан бири "Халқаро талабалар ва ёшлар куни" муносабати билан ўтказилди.

Шу куни ЎЗМУ маданият саройида Марказий кўмита Тошкент шаҳар таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси билан ҳамкорликда республикамизнинг турли вилоятларидан келиб Тошкент шаҳридаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлари-

да таҳсил олаётган талабалар учун маданий тадбир ўтказди. Ушбу тадбирни Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кўмитаси расиси З.Қодиров табрик сўзи билан очди. У Тош-

кент шаҳрида таҳсил олаётган 193 нафар иқтидорли, жамоатчи талабаларга Марказий кўмитанинг эсдалик совғаларини топширди. Шунингдек 14 нафар талаба Марказий кўмитанинг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Бундан ташқари, Марказий кўмита томонидан Тошкент шаҳрида таълим олаётган 400 нафар талабанинг Самарқанд шаҳрига саёҳати уюштирилди.

Тадбирда Тошкент шаҳар олий ўқув юртлари бадий ҳаваскорлар тўғараги аъзолари қизиқарли концерт дастури билан иштирок этдилар.

МУХБИРИМИЗ

"ҚИШ КЕЛАЁТИР, ҚИЛИЧИН ҚАЙРАБ"

"Ma'rifat", 2000 йил 28 октябрь

Мухбирларимизнинг шу мавзудаги танқидий чиқишларида Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги айрим мактабларга кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ҳамда ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш сусти келатгани ҳақида афсусланиб гапирилган эди. Кун кеча танқидий чиқишимизга туман халқ таълими бўлими мудири А.Қурбоновдан жавоб хати олдиқ. Унда жумлаган, шундай дейилади:

"Китоб туман халқ таълими бўлими маълум қиладики, "Маърифат" газетасининг 2000 йил 28 октябрдаги 84-сонида "Қиш келаётир, қиличин қайраб" сарлавҳаси остида берилган мақолада тумандаги М.Шайхзода номи 78-сон мактабда қишки мавсумга тайёргарлик етарли

эмаслиги, айрим дераза ойналари йўқлиги, иситиш печлари қурилмаганлиги, дарслик таъминоти тўлиқ бўлмаганлиги танқид қилинган.

Ҳақиқатдан ҳам газета махсус мухбирлари мазкур мактабда 2000 йил 13 октябрь куни бўлишиб мақолада қайд этилган камчи-

Bizga javob beradilar

ликларнинг гувоҳи бўлишган.

Мазкур камчиликларни бартараф этиш юзасидан мактабда бир қанча ишлар амалга оширилди. Мавжуд 10 та синфхона ва қўшимча хоналар учун 15 та иситиш печлари қурилди. Ойналар бўлмаган айрим деразаларга ойна ўрнатилди. Қишки мавжуд 15 та печ ҳисобидан келиб чиқиб, яна 20 тонна кўмир билан таъминланди

ва 2 тонна ўтин жамғарилди.

Ўқувчиларни дарслик билан таъминлашда ҳам ўзгариш бўлиб, дарслик билан таъминланиш масаласида ота-оналар, ҳомийлар ёрдами ташкил этилди.

Туман халқ таълими бўлимининг 2000 йил 6 ноябрдаги навбатдан ташқари кенгаши йиғилишида мазкур мақола юзасидан муҳокама ўтказилиб, мактаб директори М.Каримовга ҳайфсан эълон қилинди.

Туман халқ таълими бўлими қишки мавсумга таълим муассасаларини тайёрлаш, таълим-тарбия ишларини янада яхшилаш юзасидан тадбирларни кўриб бораверади.

Туман халқ таълими бўлими мудири

А.ҚУРБОНОВ"

(Давоми. Боши 1-бетда)

Миллий истиқлол гоёсини шакллантириш жараёни узок ва мураккаб бўлиб, бир томондан барча давлат тузилмалари ҳамда ижтимоий ташкилотларнинг, ва айниқса, **таълим тизими** мазмунининг тақомиллаштирилишини, иккинчи томондан эса, бевосита ушбу масалани амалга оширишни таъминловчи ягона тарбия тизимини барпо этиш лозимлигини тақозо этади.

Фикримизча, бу жараёнда кадрлар тайёрлашнинг яқин кунлардаги ва истиқболдаги вазифалари қуйидагилардан иборат.

Биринчиси. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига кўра, фан, техника, янги технологияларни қўллашда эришилган натижалар, бой маданий-тарихий, маънавий-ахлоқий анъаналаримизни ва жамиятимизда вужудга келган янги кадрларнинг ҳисобга олиб таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва уни мазмунан тақомиллаштиришни давом эттириш тақозо этилади.

- Таълим соҳасида шахснинг тарбияси ва ҳар томонлама ривожланишига устуллик беришни таъминлаш.

Кўрсатиб ўтилган фаолият Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мақсад ва вазифаларини жорий этиш доирасида амалга оширилмоқда. Бироқ, ҳанузгача асосий эътибор узлуксиз таълим мазмунини ишлаб чиқиш, ўқитишнинг самарали педагогик ва ахборот технологияларини яратиш ва ташкилий-педагогик асосларни шакллантиришга қаратилган.

Таълим-тарбия жараёнининг уч таркибий бирлиги – тарбия, таълим, шахсни ривожлантириш тўлиқ даражада амалга оширилишига эришилмади.

Тарбиявий фаолият мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, унга мақсадга йўналтирилганлик, динамик ўзгаришчанлик, изчиллик маъносини бериш:

Таълим-тарбия ишида расмиётлик ва бепарволик каби иллатлардан воз кечиш керак. Бу мақсадда мустақил фикрлайдиган шахсни тарбиялашга йўналтирилган янги услуб ва воситалар ишлаб чиқиши ва жорий этилиши зарур.

Кенг маънода тарбия — авлоддан авлодга асрлар давомида тўпланган ижтимоий-маданий таърибани узатиш ҳамда мустақил шахс ривожланиши учун шарт-шароитларни яратиш мақсадида махсус ташкил этилган ва йўналтирилган жараёндир.

Японияда русм бўлган бир одат диккатга сазовор. Чунончи, унга кўра, таълим муассасаларида ҳафтада бир кун миллий тарихий анъаналар, кадрларни ўрганиш учун ажратилади. Шу ўринда тарбия жараёнига ойига бир марта "Мустақил Ўзбекистон қуни"ни киритиш ва унинг давомида ўқувчиларни нафақат бой миллий меросимиз (экспериментлар, учрашувлар, мунозаралар, миллий спорт ўйинлари уюштириш, миллий маросимларда қатнашиш, кинофильмларни томоша қилиш, миллий мусиқа тинглаш ва мулоҳазалар юритиш) билан таништириш, балки ижтимоий долзарб масалалар - хайрия тадбирлари (ҳашар, фахрийлар ва кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш ва бошқалар) да иштирок этишлари учун имконият яратиш бериш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Таълим жараёнини инсонпарварлаштириш ва демократлаштиришни таъминлаш:

Таълим тизимини инсонпарварлаштиришнинг асосий йўналишлари – ёш авлоднинг билим ва қобилиятларини ҳар тарафлама ўстириш, уларни умуминсоний кадрлар руҳида тарбиялаш, шахс, жамият ва борлик муносабатларини уйғунлаштириш, ўқувчи ва мураббий орасидаги масофани "**Устоз ва шогирд**" муносабатлари асосида шакллантириш.

Таълимни инсонпарварлаштириш — ёш авлодда бой эстетик ҳиссиёт, юксак маънавият, маданий ва ижодий тафаккурни шакллантириш ва ҳар тарафлама ривожланган шахсни тарбиялашнинг устувор йўналишларини ўз ичига олган таълим-тарбия дастурларини тақомиллаштириш назарда тутилади. Бунда, ўқувчида мустақил шахсни тарбиялаш, унда билим олиш маданиятини шакллантириш, шахсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, мустақил фикрлаш ҳамда шахсий гуруҳ, ишонч каби ҳислатларни ҳосил қилишга алоҳида эътибор берилиши керак. Ёш авлодда янги сиёсий маданиятни шакллантиришга қаратилган махсус ўқув курслари (Ўзбекистон XXI асрга ин-

тилмоқда), «Ватан мустақиллиги ва гуллаб-яшнаши, халқ эркинлиги ва фаровонлиги — энг олий мақсадимиз» ва шу кабилар)нинг ўқув дастурига киритилиши ҳам таълим жараёнини инсонпарварлаштириш асослари ҳисобланади.

— Фуқаролик жамиятини қуриш таълим-тарбия жараёнига шахсда фаол фуқаролик позицияси, миллий гуруҳ ва кадр-қиммат каби ҳислатларни тарбиялашдан иборат бўлган **фуқаролик асосларини** шакллантириш бўйича махсус тадбирларнинг ишлаб чиқиши ва жорий этилиши зарурлиги тақозо этилади. Фуқаролик – шахснинг умумтаълим, касб-хунар, маданий-тарихий ва маънавий-ахлоқий билим ва кўникмалари мажмуидан иборат бўлиб, шахсга демократик фуқаролик жамияти ҳаётида фаол иштирок этиш, мустақил ва танқидий фикрлаш, миллий гуруҳ ва кадр-қимматни шакллантириш ҳамда шахснинг мустақил ривожланиши учун имконият ва кафолатларни яратади.

Шахсда фуқаролик ҳиссини тарбиялаш, унда ахлоқий ва интеллектуал кўникмаларни ривожлантириш орқали амалга оширилади. Шу мақсадда, таълим тизимида фуқароликни шакллантириш бўйича махсус ўқув курслари ўзаро боғлиқликда тарихий манбалар, тил, илм-фан асослари, фалсафани мамлакатнинг умуммаданияти ҳамда тарихий меросининг таркибий қисмлари сифатида ўрганилишини назарда тутиши лозим.

Ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёни, жамиятнинг тез ўзгариб бораётган турмуш шароити, таълим тизимига таъсирчанлик ва тезкорлик хоссаларининг берилиши-

Тўртинчиси. Таълим муассасаларининг фаолиятини ижтимоий институтлар сифатида тубдан қайта кўриб чиқиш. Бунда, мактаб, лицей, коллеж, институтларни нафақат илм-фан маскани, балки ҳақиқий **маданий-маърифий марказларга** айлантириш. Улар маҳалла, оила, жамоат бирлашмалари (энг аввало болалар ва ёшлар ташкилотлари) билан яқиндан алоқада бўлишлари шарт. Ушбу масканларда ижод қилиш руҳи, ижтимоий фаоллик, шахсий иштирок, ўзаро ҳамкорлик муҳитининг яратилиши, бир тарафдан мустақил фикр юритувчи шахсни тарбиялашга, иккинчи тарафдан янги ижтимоий муҳит, тафаккурнинг шаклланишига олиб келади.

Бешинчиси. Педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўйиладиган талабларни тубдан қайта кўриб чиқиш, яъни педагогларнинг ўз билим савиясини янги даражага кўтаришга муносабатини ўзгартириш. Чунки, том маънода, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг самарали амалга оширилиши, келажак авлодга миллий маънавий кадрларимиз, бой таърибамиз, буюк тарихимиз, алломуларимизнинг оламшумул фаолияти ким томонидан, қай йўсинда тушунтирилишига бевосита боғлиқ.

Бўлғуси ўқитувчиларнинг ўзида мулоқот, баҳс олиб бориш маданиятини шакллантириш мақсадида педагогик таълим мазмунига қўйиладиган талаблар, айниқса муҳимдир. Ўзаро ҳамкорлик педагогикаси — ўқитувчи ва ўқувчи орасида ҳамфикрлик, ишонч, ўзаро ёрдам, ижодий ҳамкорлик муҳитини яратади. Бу эса ўз навбатида, ёшлар томонидан ҳақиқий инсоний кадрларнинг ан-

ларни жалб этиш зарур. Шунингдек, таълим жараёнини лотин ёзувида асосланган янги ўзбек алифбосидаги ўқув-оммабоп адабиётлар билан таъминлаш муаммосини яқин муддатда ҳал этиш лозим.

Тўққизинчиси. Мамлакат аҳолисининг умумий ва касбий маданиятини кўтариш мақсадида **маданий-маърифий ишларнинг** сифат даражасини яхшилаш. Бунда оммавий ахборот воситаларининг маърифий ишини фаоллаштириш муҳим. Болалар ва ёшлар учун тайёрланадиган телекўрсатувлар, радиоэшиттиришларни "интеллектуаллаштириш ва маънавий-ахлоқий бойитиш" бўйича улкан вазифалар амалга оширилиши лозим. Чунки айнан "...оммавий-ахборот воситалари жамиятимизда ҳақиқий "тўртинчи ҳокимият"га айланиши, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришда энг таъсирчан омил бўлиши", жамиятимизнинг демократик гоёлари ва кадрларини ривожлантиришга ва ёшлар онгини шакллантиришга кўмаклашиши керак.

Мақкур вазифаларни амалга оширишда "Маърифатпарварлар", "Тарихчилар", "Файласуфлар" каби миллий жамиятлар ва бошқа жамоат ташкилотларининг ҳиссаси катта бўлиши керак.

Шу муносабат билан, ватанимиз маданияти ва санъатини таълим жараёнида қўлланилишини ривожлантириш, уни чет элда тарғиб қилиш, миллий ва халқаро конкурсларда санъатимиз намуналари билан иштирок этиш масалаларини кескин тақомиллаштириш, истиқболда ёшларимизнинг бадиий ижодкорлигини ривожлантириш лозим.

Кучли ҳуқуқий давлатни қуриш жараёни, ёш авлоднинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, фуқароларда ҳуқуқий онгини шакллантириш билан боғлиқ. "**Аҳолимиз, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастурини кенг кўлабда амалга оширишга эътибор бериш зарур, токи ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқини билсин ва уни ҳимоя қила олсин**". Эскича фикр юритиш тарзидан кутулиш, қонун олдида барчанинг тенглигини таъминлаш, бу борада ишончсизлик кайфиятларини йўқотиш, инсон манфаатларининг устуворлиги принципини кафолатлаш, инсон ҳуқуқлари энг олий қадрият сифатида тан олинлигини таъминлаш.

Ўнинчиси. Ёш авлодни миллий истиқлол гоёси, миллий-ахлоқий кадрлар руҳида тарбиялаш, шубҳасиз, **жисмоний ва руҳий саломатликни мустаҳкамлаш, соғлом турмуш кечириш асосларини шакллантиришни** назарда тутилади. Ёш авлодда ҳаётий фаоллик, ахлоқ, инсонпарварликнинг юксак гоёларини тарбиялаш – жисмоний тарбия ва спортнинг шакллари, услуб ва воситаларини қўллашнинг устувор вазифалари бўлиши керак. "**2000 йилни «Соғлом авлод йили» - деб эълон қилганимизнинг маъно-мазмунини, пировард аҳамиятини чуқур англаган ҳолда бу мақсадларимизни нафақат жорий йилда, балки келгуси даврда давлат сиёсати даражасига кўтариб, умумхалқ эзгу ҳаракатига айлантиришимиз даркор**".

Ҳар бир инсон ўз қобилияти ва эқтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини эгаллайди. Шахс ўз билим захирасини — ишлаб чиқариш, фан ва санъат соҳасида жамият томонидан тўпланган ижтимоий таърибани ўрганиш, мақсадли таълим-тарбия олиш эвазига бойитади. Инсон, уни ўраб турган борлиқ ҳодисалари ва қонуниятлари ҳақидаги билимларга эга бўлиш, ижтимоий жараёнларни идрок этиш, маънавий-ахлоқий кадрларни қабул қилиш орқали ўзининг маънавий-интеллектуал потенциалини тўлдирди, уни ривожлантиради, натижада ижтимоий-сиёсий ҳаётда онгли равишда иштирок этиш, ижтимоий жараёнларга фаол таъсир кўрсатиш, мамлакат тақдири учун масъулиятни ўз зиммасига олиш имкониятига эга бўлади.

Мақолада билдирилган фикрлар миллий истиқлол гоёсини шакллантириш борасидаги амалий тадбирларни ишлаб чиқиш хусусидаги таклифлар деб қаралишини сўрардик.

Шавкат ҚУРБОНОВ,
педагогика фанлари доктори

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ГОЯСИ

ни, яъни ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт талабларига жавоб бериш, шахс қобилияти ва истеъдодини ҳисобга олиш имконият ва шарт-шароитларини яратишни тақозо этади.

Таълим-тарбия ва касб-хунар дастурларининг таъсирчанлиги ва тезкорлигини таъминлаш **таълим жараёнини дифференциациялаш** муаммоси билан узвий боғлиқдир. Ҳозирги шароитда, сўзда эмас ишда, узлуксиз таълим тизимига таълимни дифференциациялаш принцип ва механизмларини жорий этиш керак.

Таълимни дифференциациялаш замонавий таълим тизимининг асосий хусусиятларидан биридир. У ўқувчиларнинг шахсий эҳтиёжлари, лаёқати, имкониятлари, қизиқишлари, касб танлашидан келиб чиққан ҳолда турли кўринишда билим олиш имкониятини беради.

Иккинчиси. Ёш авлодни ҳозирги замон талабларига мос равишда **тарбиялаш** жараёнини кенг кўлабда ривожлантириш учун, биринчи навбатда, тегишли ташкилий тузилмалар – **болалар ва ёшлар ташкилотлари ва бирлашмаларини** яратиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу бирлашмаларнинг таъсир доираси кенг бўлиб, у ёш эколог, табиатшунос ва миллий хунарманд, ёш спортчи, тарихчи ва файласуф каби тўғрақ ва ҳаракатларга барча ёшларни жалб этиши лозим. Энг асосий мақсад, болалар ушбу ташкилотларга ўз хоҳишлари билан қатнашишларини таъминлаш, у ердаги фаолият мазмуни ёшларимизнинг умумий ривожланишига кўмаклашсин ва охир-оқибатда, асосий стратегик мақсадимиз – баркамол шахсни тарбиялаш вазифасини амалга оширишга ёрдам берсин. Бунда бевосита ёшлар сиёсатини амалга ошириш ҳамда ёш авлодни тарбиялашга масъул бўлган барча ташкилотлар, таълим вазирлигидан тортиб, барча жамғармалар, давлат ва жамият муассасаларининг фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш лозим бўлади.

Учинчиси. Таълим-тарбия жараёнида қатнашувчи барча субъектларнинг ўзаро самарали таъсирини таъминловчи механизмлар ва шарт-шароитларни яратиш. Умуман олганда, ушбу тизимнинг барча таркибий қисмлари – оила, узлуксиз таълим, маҳалла, жамоат бирлашмалари, жамғармалар мавжуд. Бироқ, биринчидан, улар ўз ичига самарасиз фаолият кўрсатишмоқда, иккинчидан, ўзаро самарали таъсирчанликнинг йўқлиги асосий мақсад – баркамол шахсни тарбиялаш, янги тафаккурни вужудга келтириш, охир-оқибатда, миллий истиқлол гоёсини шакллантиришдаги фаолият сезилмаяпти.

лаш ва эътироф этилишини кафолатлайди. Педагогик таълим ҳамда ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, бўлажак ўқитувчиларда миллий истиқлол гоёсини шакллантириш ҳамда уларда келажак авлодга ўз билим ва таърибаларини бера олишга ишонч ҳамда масъулият ҳиссини тарбиялашдан иборат бўлиши керак.

Олтинчиси. Ижтимоий-гуманитар фанлар: Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи; бадиий, фалсафий, педагогик тафаккурнинг шаклланиши, этнография, этногенез; адабиётшунослик, санъатшунослик ва бошқа фанлар бўйича **илмий тадқиқотлар савиясини** тубдан ўзгартириш, янги поғонага кўтариш. Ушбу муаммо бўйича илмий изланишларнинг устувор йўналишлари Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг "Тарихий хотирасиз келажак йўқ" китобида чуқур таҳлил қилинган. Тарихий меросни янги замонавий методологик асосда ўрганиш ёш олимларни тайёрлашнинг принципи янги илмий мактабини яратиш; болалар ва ёшлар учун илмий, илмий-оммабоп ва ахборот-маълумот адабиётларни нашр этиш бўйича муҳим ишлар амалга оширилиши зарур. "**Бу борада бугун шакл топаётган миллий истиқлол гоёси концепциясини минг йиллик миллий кадрларимизни ҳозирги замон умумбашарий талаблари билан уйғунлаштирган ҳолда яратиш ва одамлар тафаккурига сингдириш олимларимиз, файласуф ва сиёсатшуносларимизнинг долзарб вазифаси бўлиб қолмоқда**".

Еттинчиси. Ислом дини ва бошқа динларнинг гуманистик асослари борасидаги **билимларни шакллантириш.** Аждодларимизнинг бой тарихий мероси, Ислом дини асосларини чуқур таҳлил қилиш, унинг республикамизнинг маънавий-маданий ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятини белгилаш, дунёвий давлат, фуқаролик жамияти, кўпдинлилик шароитида Ислом дини фаолиятининг илмий башоратини таъминлаш зарур.

Саккизинчиси. Миллий истиқлол гоёсини шакллантиришдаги муҳим йўналишлардан бири **болалар ва ёшлар учун ўқув-методик, илмий-оммабоп ва бадиий адабиётларнинг янги авлодини яратишдир.** Мавжуд адабиётларга ҳар тарафлама илмий баҳо бериш орқали халқимизнинг бой ижтимоий-маданий, тарихий анъаналари, урф-одатлари ва умуминсоний қадриятларини ўзида акс эттирадиган китоблар, ўқув қўлланмалар, бадиий адабиётларни яратиш зарур. Бу ишга илм-фан, маданият ва санъат соҳасида энг кўзга кўринган намоёнда-

Сухбатдошимиз Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Муяссар Раззоқова ўзини санъат соҳасига бағишлаган инсонлар сирасига қиради. Муяссар 1965 йилда Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманида таваллуд топган. Шу тумандаги 5-мактабда (ҳозир бу илм маскани Эллиқалъа туманига қарайди) таҳсил олган. М.Раззоқованинг санъат оламига кириб келишига мактаб, у яшаган оилавий муҳит, оиладаги таълим, қишлоқ одамларининг ҳар бир нарсага ҳавас билан қарашлари сабаб бўлган. Ёш ўқувчининг истеъдоди ана шу ҳислар қуршовида камолга етиб, сайқалланиб борди. Турли кўрик-танловларда совринли ўринларни эгаллаш бошлади. Эл эътирофига сазовор бўлган таниқли санъаткор Италия, Испания, Германия, Австрия, АҚШ, Туркия каби ўнлаб давлатларда хизмат сафарларида Ўзбекистон опера санъатини намойиш қилган. Унинг устоз ибрати, таълим-тарбия, ўқувчи ва театр ҳақидаги фикрлари ҳам эътиборга молик. Санъатимиз юлдузи билан суҳбатимиз ҳам ана шу каби мавзулар атрофида кечди.

— Болалик дунёси инсон кўнглининг бир бурчида яшайди. Шу маънода ўзингиз катта бўлган қишлоқ ва унинг одамлари ҳақида нималар дея оласиз?

— Болалигим Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманига қарашли "Қилчиноқ" қишлоғида кечган. Беғубор болалик дамларим мазкур қишлоқ ҳаёти билан боғлиқ. Сирасини айтганда, Беруний тумани қишлоқлари тарихи афсоналарга бой бўлган. Халқ эса жуда бой-бадавлат яшаб келишган эканлар. Ота-онам (Оллоҳ раҳмат қилсин!) биз яшаган ҳудуд аҳолисини ўзига тўқ, мард ва эзгуликка монанд халқ дейишарди. Ҳақиқатан ҳам ёшим улғайган сари бу нарсаларга ўзим шохид бўлганман. "Қилчиноқ" қишлоғи одамлари пиру бадавлат бўлиш қаторида улар бир-бирларига меҳр-мурувватли ҳамдирлар. Ҳамқишлоқларимнинг соддадиллигини, меҳрибонликларини ҳамон ифода этиб бўлмас тўғу билан эсга оламан. Шу боисми, болалик билан тез-тез мулоқот қилгим келди.

— Мактаб давридаги эсда қоларли бирор-бир воқеа ёдингизда қолганми? Умуман, қайси фан ўқитувчиларини мамнуният билан эслайсиз?

— Биринчи устозим Ҳаким ака Кенжаев (жойлари жаннатда бўлсин!)ни мамнуният билан эслайман. Энди 1-синфга борган кезларимда у киши 50-55 ёшларда эди, чоғи. Илк устозимнинг саволларига бийрон-бийрон жавоб қайтарардим. Шу боисми, у менга нисбатан катта ишонч билан боқарди. Кичкина бўлсам-да, ишонч ва масъулият тушунчаларини чуқур ҳис қилардим. Бошланғич таълим сабоқларини кунт билан эгаллашимда ўша устозимнинг хизматлари катта бўлган. Ўқувчилари камолоти йўлида меҳнатини сира аямаганлигини ҳам алоҳида таъкидлашим жоиз.

Фан ўқитувчиларидан, физика ўқитувчиси Шукрулло Вафоевни жуда қадрлайман. Ўта билимдон, ўз фани бўйича ўткир муаллим эди. Физика нозик фан, лекин у киши бизга шундай дарс ўтардиларки, синфимиздаги 80 фоиз ўқувчи ушбу фанни "яхши" ва "аъло" баҳоларга ўзлаштиради. Мабодо касал бўлиб қолсалар, дарров ўринлари

билинарди. Математика фани ўқитувчиси Қодир ака Тожибоев эса дарс жараёнида илгор иш усулларини қўллаб, барча ўқувчиларни ҳайрон қолдирарди. Бир қарасангиз, тарихга кириб кетардилар-да, яна математикага мурожаат қилардилар. Умуман, математикани ҳар хил фанларга боғлаб ўтар, барибир, математиканинг ўзига хослигини келтириб чиқарар эдилар. Хуллас, дарс ўтиш услублари ниҳоятда зўр эди. Ҳаким ака Рўзметов деган она тили ўқитувчи-

Меҳмонхона



рани танладим. Санъатим жуда мураккаб, аммо унга эътиқодим жуда баланд. Опера санъати менинг ҳаётим, юртим истиқболини, истиқлолни куйлаш эса ифтихорим десам, янглишмайман.

Аслида санъатнинг ўзи эзгуликка ундайдиган жараён. Сўзлар жилосида халққа ниманидир етказасан. Санъатни яхшилик байрами деса ҳам бўлади. У одамзотни ҳар хил ёмонликлардан қайтариб, фақат яхшиликлар сари бошлайди. Чуқурроқ ўйлаб кўрсангиз, бирор кишига яхшилик қилган кунингиз, гўё

САНЪАТ — ЯХШИЛИК БАЙРАМИ

миз шеъриятга ихлос уйғотиб, меҳримизни қозонганлар. Ўқиган шеърлари ниҳоятда таъсирчан чиқарди. Санъат йўлимдаги муваффақиятларда шу кишининг ҳам ҳиссалари бор, деб ўйлайман. Шу устозлар қатори барча устоз-мураббийлар билан фахрланаман, уларнинг меҳнатлари сингдики, доимо мактабларини кўтаришга ҳаракат қиламан.

— Санъат майдонига қачон қадам қўйгансиз? Умуман санъат нима ўзи?

— Опаларим мактабда ўқиш билан бирга "Саҳна ва санъат" тўғрагага ҳам қатнашарди. Мен ҳам етти ёшимдан бошлаб ўзимча кўшиқ хиргойи қилиб юрганман. Кейин опаларим мени тўғаракка олиб келганлар. Катта синф ўқувчилари билан роллар, кўшиқ ижро этганман. Овозимни эшитиб кўриб, тўғарак раҳбари мени тўғаракка қабул қилган. Ўшанда ўзимдан катталар: "Овозинг яхши экан, байрамларда қатнашадиган бўлдинг", дейишган. Ҳар байрамларда қатнашиб, аста-секин санъатнинг этагини ушладим. "Истеъдод—78" республика кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдим. 1972 йили "Марҳабо, талантлар!" телевизион кўрик-танловида иштирок этиб, ушбу мусобақа лауреати бўлдим. Ўрта мактабни битириб, Тошкент Давлат консерваториясига ҳужжатларимни топширдим. Талабалик давримда ҳам халқаро конкурсларда қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаш бошладим. Ўша пайтлари мақом жанрида ижод этардим. Кейинчалик ноёб санъат — опе-

кўнглингиз ўсади, яшаришга юз тутасиз. Санъат ҳам худди шу ҳис кабилар.

— Устоз-мураббийларнинг ҳаётингизда тутган ўрни ҳақида нималар дея оласиз?

— Санъат соҳасида Саодат Қобулова, Розалинда Лаут жонкуяр устоз-мураббийларим ҳисобланади. Улар менга опера санъатини, бу соҳанинг ижро этиш, мусиқа сирларини эринмай ўргатганлар. Бу инсонлар нафақат санъатда, ҳаётда ҳам энг яқин маслақдошимдилар. Ҳали ҳам кўп асарлар устида Саодат Қобулова билан бамаслаҳат меҳнат қиламан. Розалинда Лаут овоз тарбияси билан (чунки опера санъатида овоз катта роль ўйнайди) шуғулланарди. Овоз равонлиги, ижронинг маромига етказиб қуйлашимда жуда катта ёрдам бердилар. Ҳаётимда нимагаки эришган бўлсам, бунда уларнинг ҳам муносиб ҳиссалари бор.

— Санъатда кимлар билан ҳамкорлик қиласиз?

— Композиторлар Анор Назаров, Рустам Абдуллаев, Мустафо Вафоев, шоирлардан Жуманиёз Жабборов, Омон Матжонлар билан ҳамкорликда ишлайман. "Ўзбекистон", "Ифтихор", "Миллат байроғи", "Ўзбек давлати" каби кўшиқларим ҳамкорликдаги ишларимнинг маҳсулидир.

— Муяссар, ноёб овоз эгаси сифатида чет эл сафарларида бўлгансиз. Санъат ихлосмандлари сифатида қайси мамлакат томошабинлари Сизда кўпроқ таассурот қолдирган?

— 1997 йили Италияда жаҳон операчиларининг халқаро конкурси бўлди. Унда 500 киши қатнашди. Танловда фахрли 30 ўрин белгиланган эди. Бундай нуфузли беллашувда ҳаяжон билан иштирок этганман. Томошабинлар опера санъати бўйича европалик ижрочиларни кутишган. Бу ерда Ўзбекистон операси кашф қилинди, десам ҳам бўлади. Чунки, унинг мавқеи жуда тушиб кетган эди. Ўша ерда Ж.Вердининг "Травиата", "Виолетта" ариясини ижро этдим. Италия (опера Ватани) халқи чиқишларимни жуда яхши кутиб олди. Энг муҳими, фахрли ўрин эгаси бўлдим. Италия, Испания, Германия, Австрия, АҚШ, Туркия, Венгрия, Жанубий Корея, Греция, Япония мамлакатларида санъатимни намойиш этдим. Аввалроқ 30 ёшгача бўлган жаҳон ёш операчилар танлови Венгрияда ўтказилган эди. Ўша мамлакат томошабинлари ҳам мени жуда яхши олқишлар билан кутиб олди. Умуман, Италия, Испания, Венгрия, Германия мамлакатлари томошабинлари менда жуда яхши таассурот қолдирди. Халқлари санъатга чанқоқ, санъаткорларни

лар асарлари устида ишлашга доир маслаҳатлар бераман. Қийналишса, йўл-йўриқлар кўрсатаман. Шогирдларим орасида Гулчеҳра, Дилдора исмли истеъдодли қизлар бор. Улардан умидим катта. Насиб қилса, уларнинг опера санъаткорлари бўлиб етишишларига кўзим етади. Айни кунда шу шогирдларим билан қизгин машғулотлар олиб бораёяман.

— Ҳозирги кун театри ҳақида ҳам фикрингизни билмокчи эдик.

— Театр — катта ҳаёт мактаби. Шундай экан, театр замон талабларига, ҳаёт синовларига жавоб бера оладими? Умумий театр нуқтаи назаридан "ҳа" дея олишим мумкин. Аммо ўзбек опера театри ҳақида куюниб гапиргим келди. "Дилором", "Тоҳир ва Зухра", "Умар Ҳайём", "Ойхон", "Майсаранинг иши" каби операларимиз тақдири ўйга толдиради. Мустақилликка эришдик, эндиликда ўзбек операси янада камол топиши, ривожланиши керак. Мана, Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат опера ва балет Катта театри солишти сифатида айтадиган бўлсам, бир-иккита ўзбек операси қўйилади, холос. Умуман, театр репертуари ўзбек операси билан бойиши керак.

Ҳозир театрда Чайковский, Глинка асарлари кўп қўйилапти. Мен солист сифатида уларни четлатмокчи эмасман. Лекин ўзбек операси репертуарларини тиклаш, кўпайтиришнинг вақти келди, деб ўйлайман. Хуллас, ўзбек опера театри, ўзбек операси тўғрисида кўп куюаман...

— Ўғил-қизларимиз тарбиясида театрнинг ўрни бор, деб ўйлайсизми?

— Театр ҳам адабиётнинг бир бўлаги. Адабиёт фани ўғиз-қизларимизга қандай таъсир кучини кўрсатса, театр ҳам худди шундай таъсир ўтказади. Жонли саҳналар орқали ибратли воқеалар кўз ўнгидега намойиш бўлади.

— Инсонлардаги қайси фазилятларни қадрлайсиз?

— Ростгўйлик, ҳақиқатпарварлик, соф виждонлилик фазилятларини қадрлайман. Шу каби хислатларни ўзида муҳассам этган инсонлардан фақат яхшилик кутиш мумкин. Улар Ватанининг фаровонлиги йўлида сидқидилдан меҳнат ҳам қила оладилар.

— Умр йўлингизда қайси воқеа ёки сана қалбингиздан чуқур жой олган?

— Энг қувончли сана 1998 йил 11 июль куни Жавлонбек исмли фарзандим дунёга келган кундир... Қайси бирини айтмай, қалбимда муҳрланган саналар умуман жуда кўп. Булар мени янги-янги асарлар яратишга, жонли кўшиқлар қуйлашга чорлайди.

— XXI аср қандай воқеаларга, ўзгаришларга бой бўлишини истайсиз?

— Халқимиз тинч-осойишта яшасин. Жамият ҳаётида аёлларимиз ўрни, салмоғи ошсин. Фарзандларимиз онгишмури ўсиб, XXI асрнинг барқамол, етук кишилари бўлиб юришсин. Санъаткор сифатида эса опера санъати репертуарлари ҳам бой бўлишини истаб қоламан. XXI асрда санъатни севувчи мухлислар кўпайсин!

**Орзугул
МАТҚУРБОНОВА
суҳбатлашди.**

“БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУН”

Куни кеча Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Марказининг конференция залида Умумжаҳон болалар куни муносабати билан ҳамда бола ҳуқуқлари ва қонунчилик жараёнини такомиллаштириш мақсадида “Болалар ҳуқуқлари ва қонун” мавзуга бағишланган анжуман ўтказилди.

Анжуманда “Болаларни кутқаринг” (Англия) жамғармаси фаолияти, Ўзбекистонда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, Уюшган жиноятчиликнинг олдини олишда миллий назорат жиҳатидан келиб чиқиб, бола ҳуқуқларини ҳимоялаш, Халқаро гуманитар ҳуқуқда болаларни ҳимоялаш, вояга етмаганлар орасидаги жиноятчилик (АҚШ таж-

рибаси), Ўзбекистонда соғлом авлодни шакллантиришда давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, Ўзбекистон Болалар жамғармасининг фаолияти доирасида маърузалар тингланди.

Ўтказилган анжуман ишида вазирликлар, идоралар, ташкилотлар, жамғарма, марказ ва уюшмалар, нодавлат ташкилотлар, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари вакиллари, БМТ Ривожланиш дастури, АҚШ Халқаро Ривожланиш агентлиги, халқаро жамғармалар вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди. Конференция ишчан ва турли фикр-мулоҳазаларга бой тарзда ўтди.

Бехбуд БОТИРОВ

ҲУҚУҚШУНОСЛИККА ЭЪТИБОР КУЧАЙТИРИЛСА...

Ёшларнинг ҳуқуқий онгини ривожлантириш мактаб даври билан чамбарчас боғлиқ. Тўғри, ҳозирда 8—9-синфларда, яъни 2 йил ҳуқуқ фанидан билим берилмоқда ва у жуда чекланган. Бу, албатта, етарли даражада эмас. Бошланғич синф, яъни 3-синфдан бошлаб ҳуқуқ фани асосий дарслардан бири сифатида ўқитилса, айна муддао бўлар эди. Тўғри, бир жиҳатдан бошланғич синф ўқувчилари учун ҳуқуқни ўрганиш осон кечмайди. Лекин уни мураккаб равишда эмас, балки оддий усулда — содда, жонли, ҳаётий мисоллар асосида тушунтирилса ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар бир мунча камайган бўларди. Ҳар бир шахс ўз ҳақ-ҳуқуқини билиб, ундан ҳаётда

қандай фойдаланиш борасида тушунчага эга бўлиши керак. Бундай тушунчалар эса фақат таълим орқали чуқурроқ сингдирилади. Бошланғич синфдаги соддалаштирилган ҳуқуқ дарслари юқори синфга ўтган сари мураккаблашиб боради. Демак, ҳар бир ўқувчи ўзбек тили, математика, хорижий тиллардан қанчалик пухта билим эгаласа, ҳуқуқ фанидан ҳам шунчалик кўп билиб боради.

Ёшлар жисмонан, руҳан соғлом, ўз ҳуқуқини яхши англашига давлатни ривожлантиришга ўзининг муайян ҳиссасини қўшади.

Акрамжон ХЎЖАМОВ,
Тошкент Давлат юридик
институтининг 3-курс талабаси

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 11 ноябрдаги 625-сонли фармойишига мувофиқ, республикамизда 15 ноябрдан 15 декабрга қадар ёнгин хавфсизлиги ойлиги ўтказилмоқда. Шу муносабат билан барча жойларда бўлгани каби Тошкент шаҳар Миробод туман Ёнгин назорати ходимлари ҳам жойларда турли тадбирлар уюштирмоқда.

Маълумотларга қараганда, жорий йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида туманда 122 та ёнгин содир бўлиб, ундан аҳолига 1134450 сўм миқдорда моддий зарар етган. Ушбу ёнгинлар натижасида 4 нафар киши ҳалок бўлиб, 6 нафари эса турли хилдаги тан жароҳатлари олган. Бундай нохуш воқеаларнинг келиб чиқишига асосий сабаб нима, дерсиз. Жойлардаги аҳоли ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилмаган. Яъни, электр симларидан нотўғри фойдаланиш, маст ҳолатда сигарета қолдиқларини хавфли жойларга ташлаш, ёш болаларнинг олов ўйнашлари... оқибатида кўпгина ёнгинлар содир бўлмоқда. Биргина мисол. Туманнинг Янги замон кўчасида истиқомат қилувчи А.С.Углининг уйида электр симларининг қисқа туташуви оқибатида ёнгин содир бўлган ва хонадон эгалари 80 минг сўмлик моддий зарар кўрган. Ёхуд Кўзлик 3-дахаси 36-уй 44-хонадонда ёш болаларнинг олов ўйнашлари натижасида ёнгин чиққан. Ундан уй эгаси С.Белиновага тегишли бўлган уй жиҳозлари ёниб, 50 минг сўм миқдорда зарар етган.

Бизнинг мақсадимиз, юртимизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро электр таъминотидан муносиб фойдаланган ҳолда ёнгинлар сонини камайтириш ва бу борада аҳолига ҳар томонлама тушунтириш ишларини олиб боришдан иборатдир. Шундай экан, барчамиз ёнгин хавфсизлиги ойда фаол қатнашиб, жамиятимизга, ўзимизга моддий, маънавий томондан фойда келтиришга ҳаракат қилайлик.

Камолитдин КАРИМОВ,
Одилжон ХОЛХЎЖАЕВ

Чирчиқ шаҳридаги “Баҳор” номли 22-маҳалла кўмитаси раиси Собит Зокиров шундай таъкидлайди: “Қайсики маҳалла ёшлар билан ишлашни яхши йўлга қўйса, шу маҳалланинг эртаси тинч ва обод бўлади”. Дарвоқе, ушбу маҳаллада кўрилатган тадбирлар, бажарилаётган ишлар билан танишар экансиз, ёшлар билан ишлаш нафақат сўзда, балки амалда ҳам яхши йўлга қўйилганлигига гувоҳ бўласиз. Айни пайтда икки минг нафардан ошқин аҳоли истиқомат

зифа қилиб қўйганмиз. Уларнинг тўғри йўлдан адашмаслиги, онгида бўшлиқ пайдо бўлмаслиги учун мунтазам турли тадбирлар, учрашувлар ўтказиб тураемиз. Ҳуқуқий мавзудаги учрашув ва суҳбатлар, бадиий кечалар, байрам тантаналаримизда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлашга ҳаракат қилаемиз. Шунингдек, маҳалламизда одат тусига кириб қолган ободонлаштириш ишларини ҳам ёшлар билан биргаликда ўтказишимиз уларнинг аҳиллигига, ўз маҳалласи-

“ҚАЙСИКИ МАҲАЛЛА...”

қилаётган маҳаллада ёшларга эътибор боғча ёшиданоқ бошланади. Маҳалла ҳудудидаги 29-боғча кўмитанинг доимий қарамоғида. Болаларни соғломлаштириш билан боғлиқ вазифалар, биноларни таъмирлаш ишлари ҳамкорликда ҳал қилинади.

Гарчи, маҳалла ҳудудида мактаб бўлмаसा-да, мактаб ёшидаги болалар мунтазам назорат остида бўлади.

“Мактаб ёши — болалар тарбиясида энг қалтис давр, — дейди маҳалла оқсоқоли Собит ака Зокиров. — Шу боис, биз ўсмирлар билан ишлашни ўз олдимизга асосий ва-

ни тинч ва озода сақлашларига, улар онгида “маҳаллам — ўз уйим” деган фикр шаклланишига сабаб бўлмоқда. Маҳалла ҳудудида жойлашган 3-шаҳар кутубхонаси бизнинг маънавий марказимизга айланган. Бу ерда турли тадбирларни ўтказишда Рихси Кўчқорова, Тамара Гончарева каби фахрий ўқитувчиларнинг ҳиссалари катта бўлмоқда.”

Ёшлар тарбиясига жиддий эътибор қаратилаётган маҳалланинг келажаги фаровон бўлишига биз ҳам ишонамиз.

И.ИСКАНДАРОВ

ШЕЪРИЯТДАН СУВ ИЧИБ

“Ватан - саждагоҳ каби муқаддасдир”. Девор пештоқидаги бу ёзув айнан мактабга ҳам тааллуқли. Чунки у ҳам муқаддас саждагоҳнинг бир бўлаги. Шоир Усмон Носир номи билан аталувчи 241-мактабда бўлиб ўтган учрашув фикримизни далиллади. Умрлар кечаркан, билимлар эгалланаркан, инсон ҳаётига пойдевор шу даргоҳда қўйилади. Янгиликка ўч, тийрак нигоҳли ёшларимиз шу билим чашмасидан сипқоради. Дунёга баланддан қарашга ўрганади. Мактабларда бўлиб ўтадиган учрашувлар, тадбирлар, байрамларга фикрни чарчлайдиган қайроқ деб қарасак, муболаға бўлмас.

Доиранинг ўктам овози, куй, кўшиқ оҳанги қал-

бларни сеҳрлади. Жўшқин ўқилган шеърлар дилни тўлқинлантирди. “Саодат” журналининг бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиёва ўқиган шеърлар барчага манзур бўлди. Ўз навбатида ўқувчилар ҳам шоира ижодидан ёд айтишди.

Мактабда 42 та синф бўлиб, унда 1483 нафар ўқувчи сабоқ олади. Бошланғич синф ўқувчилари ичидан иқтидорли болалар танлаб олинди, махсус гуруҳлар ташкил этилган. Ирода Аъзамова, Зилола Бозорова, Раъно Назаровалар 8-синф ўқувчилари. Шеърлар машқ қилишади. Шоира бўлиш истагида эканлар.

Мактабда Ҳабиба Алимова, Дилфуза Холмухамедова, Гулчеҳра Аҳатова, Васида Солиева сингари

фидойи мураббийлар борки, ёшларга таълим-тарбия, билим беришда уларнинг иқтидорини ҳам ҳисобга олишади. Шу мақсадда “Ситора”, “Доирачилар”, “Ёш дурадгорлар” тўғараги ишлаб турибди. Мактаб директори Муяссархон Раҳимжонова кам таъминланган болаларга иссиқ кийим, дарсликлар ўз вақтида берилсада, айрим дарсликларнинг етишмаслиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтди.

Мактабнинг муқаддас даргоҳга қиёслангани бежиз эмас. Унда буюк юрт фарзандлари ўқиб-ўрганадилар, камол топадилар. Шеърят сув куйган ниҳолларнинг эса бир кун келиб ширин мевалар беришига гумон йўқ.

Дилором ИСМОИЛОВА

БОҒЧА, МАКТАБ, МАЖМУА ҲАМКОРЛИГИ

Ҳозирги вақтда экологик масалаларни долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Инсоннинг теварак-атрофдаги муҳит билан ўзаро муносабати эса мураккаблашмоқда.

Шунинг учун экологик масалаларни яхши англаб олиш ҳамда уларни тўғри амалга ошириш жамиятнинг ва ҳар бир кишининг ҳаётини заруриятига айланмоғи лозим. Экологик таълимни фақат боғча ёки мактабларда эмас, балки республика миқёсида барча таълим-тарбия жараёнида, ҳатто оиладан бошлаб тўғри йўлга қўймоғимиз лозим. Чунки, болага оила, мактаб, боғча бир хилда тарбия берса, яхши натижаларга эришишимиз аниқ. Шунинг учун ҳис этган ҳолда, Акмал Икромов туманидаги 389-болалар боғчаси ва 81-мактаб “БИО-ЭКОСАН” ўқув-услубий мажмуаси билан биргаликда 1998 йилдан буён иш олиб бормоқда. Бу ҳамкорликни яхши йўлга қўйишда бизга “БИОЭКОСАН” ходимлари ўз маслаҳатлари билан яқиндан кўмаклашиб келмоқдалар. Мана уч йилдирки болажонларимизнинг 80 фоизини 81-мактабда ўқишга, тўғарақни давом эттириш учун кузатмоқдамиз.

Ушбу мактаб маъмурияти ҳам бизнинг кичикинтойлардан жуда хурсандлар, чунки тест саволлари орқали 1-синфга қабул қилишда дастлабки қадамданок болаларимизнинг экологик билимлари қай даражада эканлиги сезилди. Бундан биз боғча тарбиячилари жуда қувондик. Боғчамизда олиб борилган экологик тарбия яхши самара берганини кўрган мактаб ўқитувчилари улар билан шуғулланишни тўғарақда давом эттирмоқдалар.

Шу ўринда экологик тарбияни кичикинтойларга сингдиришда жонбозлик кўрсатаётган боғча раҳбари М.Собирова, услубчи Д.Умарова, тарбиячи Г.Қориеваларнинг хизматларини алоҳида қайд этиш лозим.

Дилфуза УМАРОВА,
А.Икромов, туманидаги
396-болалар боғчаси
услубчиси

ВАҚТ, ТАЛАБА, ТАЪЛИМ

Навоий давлат педагогика институти шу йўналишдаги олий ўқув юртлари ичида энг кенжаси.

Институтда ўзбек тили, тарих, хорижий тиллар, табиатшунослик ва жисмоний тарбия, физика-математика, бошланғич таълим услубиёти ва мусика факультетлари мавжуд. Бу билим даргоҳи асосан Навоий ВХТБ тизимига қарашли ўрта умумтаълим мактаблари ҳамда академик лицей ва касбухона коллежлари учун малакали педагогик кадрлар етиштириб беради.

МУРАББИЙЛАР КЕНГАШИ

“Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талабларидан келиб чиқиб, талабалар билан олиб бориладиган маънавий-маърифий соҳадаги фаолиятни бошқаришни такомиллаштириш, гуруҳ, факультет ва институтда амалга ошириладиган ишларни мувофиқлаштириш мақсадида институтда Мураббийлар кенгаши тузилган эди.

Институтдаги мавжуд 6 факультетда жами 110 та гуруҳ бўлиб, шу гуруҳларнинг 110 та мураббийи ва шунча гуруҳ сардорлари фаолият юритиб келмоқдалар.

Бугунги кунга келиб, институт Мураббийлар кенгаши ҳамкорлигида

гуруҳ мураббийлари ва гуруҳ сардорларининг иш фаолияти, уларнинг бажарадиган вазифалари аниқ белгилаб берилди.

Ўтган ўқув йилида факультет Мураббийлар кенгаши ҳамкорлигида талабалар уйи ва гуруҳларда тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида қатор тадбирларни амалга оширдик. Жумладан, институтнинг кутубхонаси билан ҳамкорликда “Диний ақида-парастликка қарши кураш бизнинг бурчимиздир” мавзусида тарих факультети талабалари иштирокида давра суҳбати ташкил қилинди.

Факультетлардаги илғор мураббийлар ишини оммалаштириш мақсадида

“Йилнинг энг яхши мураббийси” кўрик-танлови ташкил қилинди. Институт ректорати, Касаба уюшмаси томонидан кўрик-танлов голибларига пул мукофотлари топширилди.

Хуллас, факультет Мураббийлар кенгаши фаолиятида қатор ижобий ишлар амалга оширилиб келинапти. Гуруҳ мураббийлари ва сардорлари ўз вазифаларини онгли равишда тушуниб, етарли даражада ўзлаштириб олдилар. Эндиги вазифамиз эса, ҳар бир гуруҳ мураббийси бажарадиган ишнинг сифат кўрсаткичига боғлиқ.

Муҳаббат ҲАКИМОВА,
институт мураббийлар кенгашининг раиси



ларидан ижодий тарзда фойдаланиш, уларни талабаларга ўргатиш ҳам бугунги кун тақозоси. Бинобарин илм-фан ютуқларига таяниб пухта билим олаётган талабаларимизнинг маънавий дунёқарашини уйғун шакллантириш мақсадида, Президентимиз И.Каримов асарларида илгари сурилган концепция ва ғоялар олий билим даргоҳимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий ҳамда ўқув ишларининг режасида бевосита катта ўрин олганлигини таъкидлаш жоиздир.

Таълим-тарбия жараёни орқали баркамол йигит-қизларимиз

лий кадрларни ўзида уйғунлаштирган лавҳалар билан тўлиқ жиҳозланди.

Институт кутубхонаси, ўқув зали, маънавий маркази зарур иқтисодий-сиёсий адабиётлар билан таъминланган. Шунингдек, институт маълум маънода вилоятнинг маънавий-маърифий, маданий-оммавий тадбирларини ўтказиш бўйича таянч марказига айланган. Бу марказнинг асосий фаолияти Президентимиз фармонлари, ҳукуматимиз қарорлари, Президентимизнинг истиқлол ғоялари билан суғорилган асарлари мазмунини кенг жамоатчи-

рида етук олимлар раҳбарлигида бугунги куннинг долзарб масалалари бўйича иш олиб боришмоқда. Хорижий мамлакатларнинг илғор педагогик техноло-гияларидан самарали фойдаланиш мақсадида АҚШ, Россия, Украина, Қозоғистон олий ўқув юртлари билан илмий-амалий ҳамкорлик ўрнатилган.

Шарафли касб—ўқитувчиликни танлаган истеъдодли ва ижодкор талабаларга муносиб шарт-шароит яратиш мақсадида 400 ўринли 7 қаватдан иборат, гўзал ва шинам “Талабалар

ИЛМ — САОДАТНИНГ СЎНМАС САДОСИ

Ёшларимиз илм ва маданиятнинг юксак чўққиларини эгаллаши учун уларнинг билим доирасини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш, чуқур илмий тадқиқотлар олиб бориш, буюк аждодларимиз меросини ўрганиш ва тарғиб этиш орқалигина маънавий-маърифий ишларни янги босқичга кўтариш мумкин. Шунинг билан бирга ривожланган давлатларнинг ҳозирги иқтисодий, илмий-техникавий тараққиёт даражасининг омилларини ўрганиш ва уларнинг бу соҳада тўплаган бой тажриба-

да миллий онг, миллий ғурурни шакллантириш мақсадида кўп қиррали, маънавий-маърифий соҳаларга оид Низом ва ҳаракат дастурлари ишлаб чиқилиб, амалга киритилди. Институтнинг сиёсий-ижтимоий, илмий-бадий публицистик нашри “Муаллим” газетасида улар фаолияти мунтазам ёритилиб борилмоқда.

Олийгоҳнинг бош ўқув биноси, фан кафедра хоналари, талабалар уйи Республикаимиз иқтисодий-ижтимоий тараққиётини ўзида акс эттирган плакатлар ва ёзувлар, “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ҳамда умуминсоний ва мил-

лик орасида тарғиб этиш ва ёш авлоднинг мустақил Ватанимизга бўлган муҳаббатини оширишга қаратилгандир.

Олий ўқув юрти салоҳиятини янада ошириш мақсадида олимларимиз ва илмий тадқиқотчилар томонидан илмий тадқиқот ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда. Жумладан, ўзбек адабиёти, биология, методика соҳалари бўйича 5 та докторлик диссертацияси устида илмий-ижодий иш олиб борилмоқда. Бундан ташқари, 14 нафар аспирантларимиз республикамизнинг етакчи олий ўқув юртлари, Ўзбекистон Фанлар академияси тармоқ институтла-

уи”ни фойдаланишга топшириш арафасида турибмиз. Лекин олийгоҳнинг замонавий янги ўқув биносининг лойиҳаси бўйича қурилиш-монтаж ишларининг сушт олиб борилиши асосий муаммоларимиздан ҳисобланади. Унинг ечимини топиш устида тегишли чоратадбирлар белгиланмоқда.

Равшан РАҲМОНОВ,
Навоий Давлат педагогика институтининг ректори,
фалсафа фанлари доктори,
профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими

ҲАМКОРЛИК ҲИКМАТИ

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқариш таълим муассасаларининг илмий-педагогик салоҳиятига бевосита боғлиқ.

Институтда 300 дан ортқ профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 24 нафари фан докторлари ва профессорлар, 60 нафари фан номзодлари ва доцентлардир.

Институтнинг бош илмий тадқиқот мавзуси “Баркамол инсон шахсини шакллантириш ва унинг ижтимоий-педагогик моҳияти” бўлиб, кафедрада илмий-тадқиқот йўналишлари ушбу муаммони илмий асосда ҳал қилишга қаратилган. Профессор-ўқитувчилар томонидан чоп этилаётган монографиялар, кўланма, тавсиянома ва мақолаларнинг асосий қисми мазкур мавзуга бағишланган.

Илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш, фан номзодлари ва фан докторларини тайёрлашни замон талаблари даражасида олиб бориш мақсадида Фанлар академияси-



нинг тармоқ институтлари, етакчи олий ўқув юртлари билан шартномалар тузилган. Истиқболда йирик марказ ташкил этиш учун замин яратишда, айниқса ЎзФА Тил ва адабиёт институти, СамДУ, БухороДУ олимлари катта амалий ёрдам бермоқда. Кейинги йилларда халқаро ҳамкорлик йўналишида ҳам амалий ишларга киришилди. Бундай фаолият Россия ФА Новосибирск ҳисоблаш технологияси институти, Қозоғистон Республикаси А.Ясавий номидаги Қозоқ-Турк университети, Жетисой давлат университети билан шартно-

малар ва алоқаларда ўз аксини топмоқда.

“Умумий физика”, “Табиатшунослик” кафедраларида таълимнинг ишлаб чиқариш билан интеграциялашувига эришиш мақсадида Навоий тоғ-металлургия комбинатига қарашли «Технодирметалл» илмий-ишлаб чиқариш лабораторияси, вилоят “Балиқчилик” ҳиссадорлик жамиятлари билан ҳамкорлик ҳам йўлга қўйилган.

Иқтидорли талабаларни излаш ва уларнинг имкониятларини юзага чиқариш мақсадида ёш оlima, педагогика фанлари ном-

зоди Д.Аҳадова раҳбарлигида “Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими” фаолият кўрсатмоқда. Мазкур бўлим вакилларининг 2000 йил апрель-май ойларида бўлиб ўтган Республика талабалар олимпиадасида педагогика фанидан жамоа ва шахсий ҳисобдан 3-ўринни қўлга киритганлиги диққатга сазовордир.

Р.РЎЗИЕВ,
илмий ишлар бўйича ректор муовини, физика-математика фанлари номзоди

МАЪНАВИЯТ ҚАЛБ ГАВҲАРИДИР

“Соғлом авлод йили”да Навоий ДПИда ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилди.

“Аёл—она, бека, жамоатчи” мавзусида ташкил этилган учрашув жуда қизиқарли, баҳсмунозараларга бой бўлди. Хусусан, шу мақсадда аҳолининг барча қатламларида, айниқса, ёшлар ўртасида репродуктив саломатлик ва соғлом авлод тушунчасини шакллантириш борасида кенг тарғибот ишлари олиб борилди ва қариндошуруғлараро никоҳ қуришнинг салбий оқибатлари ҳамда қайнона-келин ўртасидаги муносабатлар тўлақонли ёритилиб берилди.

Талаба ёшларни диний ақидапарастлик иллатлари таъсиридан сақлаш мақсадида вилоят прокуратураси, ИИБ, Адлия бошқармаси, вилоят диний идораси вакиллари ҳамкорлигида давра суҳбатлари ва очик мулоқотлар ўтказилди.

Бу борадаги ишларимизни янада мустаҳкамлаш учун барча факультетларда “Соғлом авлод бурчаги” ташкил этилди. Маълум ютуқларга ҳам эришяпмиз. “Соғлом авлод — буюк келажак сари” мавзусидаги Республика иншолар танловида ўзбек филологияси факультети 2-курс талабаси К. Ҳайитова фахрли 1-ўринни қўлга киритгани бунинг далилидир.

Ишимизни мазмунли ташкил қилиш мақсадида Республика Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги олий ўқув юртлари ўртасида “Қизлар мустақил ҳаёт бўсағасида” кўрик-танлови уч босқичда ўтказилди. Ушбу кўрик-танловнинг финал босқичи институтимизда ташкил этилиб, ўзбек филологияси факультети 3-курс талабаси М.Ўроқованин 1-ўринга муносиб деб топилгани институтимизда ўтказилган тадбирларнинг пировард натижаси деб биламиз.

Бундан ташқари, “Тиббий билим асослари” кафедраси ўқитувчилари томонидан “СПИД—аср вабоси” “ОИТС дан сақланиш”, “Қора оғу—соғлом ақл қушандаси”, “Соғлом авлод — соғлом миллат келажиги” мавзуларида бир қатор тадбирлар амалга оширилганлиги талаба-ёшларимизнинг баркамол авлодни тарбиялашда яқини масъулиятлигини ҳис этиш психологиясининг ошишига ёрдам беради, деган умиддамиз.

Аҳмаджон ҲОШИМОВ,
маънавий-маърифий ишлар бўйича ректорнинг биринчи муовини

Саҳифани ўткир ПЎЛАТОВ
ва Хусан НИШОНОВ
тайёрлади.

АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ БЕКЎС КАШФИЁТЛАРИ

Умумтаълим мактаблари учун яратилган физика таълим дастурининг учинчи бўлими "Жисмларнинг мувозанати. Оддий механизмлар" деб номланган бўлиб, унга (8 соат) вақт ажратилган.

Дастурнинг ана шу бўлимини ўқувчиларга тушунтирилганда, ибн Синонинг куйидаги ишларини ҳам эслатиб ўтиш уларни аждодларимизга эҳтиром руҳида тарбиялашнинг муҳим воситасидир.

Маълумки, ибн Сино физикаси Аристотель физикаси (табиатуослик) китобидан мустақил алоҳида фан бўлиб ажралиб чиққан. Унинг «Физика» китоби "Донишнома" китобининг асосий қисмларидан бири сифатида бизгача етиб келган. "Донишнома" икки жилддан иборат бўлиб, биринчи китоби философия, физика ва логика фанларига бағишлангандир.


Иккинчи китоби эса математика, астрономия ва музыка назариясига бағишлангандир.

Бундан ташқари ибн Синонинг махсус механика курсига бағишлаб "меъёрл-укул" деб номланган китоби ҳам бизгача етиб келган. Унинг бу китоби ҳозир Москвадаги Марказий кутубхонанинг «Зарубежный Восток» бўлимида Э.В. 17-4 : белгиси билан 273

сақланмоқда. 1952 йили бу китоб Техронда чоп этилган.


Куйидаги расмларда Ибн Синонинг ана шу китобидан намуналар берилган.

1-расмда тишли узатмалардан фойдаланиб, бирор юкни кўтариш учун мўлжалланган қурилма тасвирланган.



1-расм

2-расмда блоклардан фойдаланишнинг ҳар хил усуллари кўрсатилган:




2-расм

а) бир кўчмас блок ва учта кўчар блокдан ташкил топган қурилма;

б) кўзгалмас ўққа ўрнатилган учта блок системаси, яъни учта кўчар ва учта кўчмас блокдан иборат қурилма.

3-расмда чигирик.




3-расм

4-расмда эса унинг чизмаси тасвирланган.




4-расм

5-расмда бешта кўчар ва 5 та кўчмас блоклар системасидан ташқари, тишли гилдираклардан иборат мураккаб система кўрсатилган.




5-расм

6-расмда тишли узатмалар ричаг ёрдамида ишлатилиб, кўп марта ишдан ютуқ берадиган қурилманинг ташқи кўриши кўрсатилиб, 7-расмда эса ана шу қурилманинг схемаси берилган.




6-расм




7-расм

8-расмда ричаг, полиспасть ва тишли гилдираклардан иборат мураккаб қурилманинг уланиш усули берилган бўлиб, 9-расмда эса ана шу қурилманинг схемаси кўрсатилган.



8-расм



9-расм

Бундай қурилмалардан қурилишларда, оғир юкларни юқорига чиқаришда фойдаланилган.

Т. УСМОНОВ,
профессор

О'qituvchiga yordam

2-дарс

Ёнгин ҳодисаси содир бўлганидан хабардор бўлишнинг билан уни бартараф этиш чораларини кўришингиз керак. Бунинг учун эса ёнгинни ўчириш усулларини билиш зарур бўлади. Шунинг доимо эсда тутиш лозимки, ёнгин чиққандан кейинги дақиқада уни ўчириш учун бир пиёла сув етарли бўлса, сал кечиксангиз бир челақ, ундан кейин эса бир тонна сув ҳам етмай қолиши мумкин.

Ёнгин чиққанда аввало иложи борича тезроқ "01" номери орқали ўт ўчириш хизматига кўнғироқ қилиш ва улар етиб келгунга қадар одамларни ёнаётган бинодан олиб чиқишга ҳаракат қилиш керак.

Ёнгинни қандай воситалар ёрдамида тезроқ ўчириш мумкин?

Ёнгинни ўчиришнинг асосий воситаси бу сувдир. Биринчидан, у ҳамма ерда мавжуд, иккинчидан, сув буғланиш хоссасига эга. Ёнаётган предметларга тушган сув буғланиб ҳароратни пасайтиради, буғ кислород миқдорини камайтиради ва натижада ёнгин ўчади.

Бирок, шунинг ҳам эсдан чи-

даги ўт ўчиргичлар бензин, дизель ёқилгиси, лак, бўёқ ва бошқа ёнувчи суюқликлар, шунингдек 1000 вольтгача қувват остида бўлган электр ускуналари ўчиришга мўлжалланган.

Карбонат ангидридли ўт ўчиргичлар турли модда, 1000 вольтли кучланиш остидаги электр симларини ўчиришга мўлжалланган.

Ҳаво кўпикли ўт ўчиргичлар суюқ ва қаттиқ модда, материалларни ўчиришга мўлжалланган. Улар билан ишқорли материаллар, уларнинг бирикмалари, кучланиш остидаги электр асбобларини ўчириб бўлмайди.

Бинолар ичидаги ўт ўчириш кранлари шкафчаларда ойна остига жойлаштирилади. Уларнинг ҳар бирида 10, 15, 20 метрли ўт ўчириш энги ва ўт ўчириш стволли бўлади. Ёнгин чиққанда ёнгиннинг бир учи стволга, бир учи ўт ўчириш кранига уланади.

Ёнгин содир бўлганда куйидаги қоидаларни эсда тутиш лозим:

- алангани ўчиришнинг иложи бўлса, яхшиси оловга қарши бориш, бунда унинг тарқалиш майдонини камайтиришга ва оловни ёнувчи материаллар йўқ жойга "ҳайдаш"га ҳаракат қилиш керак;

- йўлақларда, томда, ертўлада ҳаракат қилганда арқонлардан

1-мавзў. ТУРАР-ЖОЙЛАРДАГИ АВАРИЯ ХАРАКЕРИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР

қармаслик керакки, сувдан ҳар доим ҳам ёнгинни ўчириш воситаси сифатида фойдаланиб бўлмайди. Масалан, сув билан реакцияга киришувчи моддалар бор жойларда сувни ишлатиб бўлмайди. Масалан, калий, натрий, кальций билан сувдаги кислород бирикиб ёниш ҳарорати кўтарилиб кетади. Карбид билан кўшилганда портлаш хавфи бор газ - ацетилен ажралиб чиқади. Оҳак билан сув реакцияга киришганда эса кўп миқдорда иссиқлик ажралиб чиқиб ёнгин кучайиб кетиши мумкин.

Тез алангаланувчи ва ёнувчи суюқликларни ҳам сув билан ўчириб бўлмайди. Чунки сув улардан оғир бўлиб, ёнаётган моддани кўтариб юборади. Натижада модда тўкилиб, ёниш майдони кенгайиб кетади.

Сув электр ўтказувчанлиги сабабли электр тармоқлари ва электр токидан ўчирилмаган ускуналари сув билан ўчириб бўлмайди. Бунда одамни ток уриб шикастлаши мумкин.

Ёнаётган суюқликларни ўчиришнинг энг оддий йўли - кум ва тупроқдан фойдаланишдир. Кум ёки тупроқ ёнаётган модданинг ҳароратини пасайтиради, ҳавони ўтказмайди, ёнаётган модда буғларининг ажралиб чиқишига йўл қўймайди. Кум қизил ранга бўялган ёғоч яшиқларда сақланиши лозим, унинг ёнида белкурк бўлади.

Ёнгинни ўчириш учун қўл остида мавжуд бўлган воситалар брезент, гилам, кўрпа, қалин мато ва бошқалардан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, карбонат ангидриди, кимёвий кўпик, турли кукунлар ишлатилади. Бино ичида содир бўлган ёнгинни ўчиришда болта, лом, челақлар қўлланилади.

Ёнгинни ўчиришнинг самарали воситаларидан бири — ўт ўчиргичлардир. Улар кимёвий-кўпикли, ҳаво-кўпикли, карбонат-ангидридли, кукунли бўлади. Ёнгинни ўчириш асосида ёнишни тугатиш учун шарт яратиш ётади.

Кукунли, узлукли ҳаракат-

фойдаланиш лозим, шунда сиз орқага қайтиш йўлини осонгина топа оласиз;

- ёниш манбаи йўқ қилинган, бошқа жойларни текшириб чиқиш керак бўлади;

- ўтнинг ўчириб бўлмаси, секин-аста чекиниш, бироқ ўтнинг назорат остида ушлаб туриш керак;

- биноларнинг қулаб тушиш эҳтимолини ҳам эсдан чиқармаслик лозим;

- ёнаётган бинодан чиқиб кетишга имконият бўлмаси, полга ётиб олиш ва нафас олиш органларини нам сочиқ билан бекитиш керак, у ерда тутун кам ва кислород кўпроқ (бурчакларда), тутун ва захарли газлар аланга тилидан ҳам хавфлироқдир;

- энг муҳими ваҳимага тушмаслик лозим, ўйлаб қилинган ҳаракат ҳаётингизни сақлаб қолиш учун кўпроқ имконият яратади.

Турар жой биноларида ёнгин чиққанда уни қандай ўчириш усулларини ўрганиб олдингиз. Агар мактабингизда ёнгин чиқса, қандай ҳаракат қилишингиз лозим бўлади? Бу тўғрида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

Мактабда ёнгин чиққанда, энг муҳими, иложи борича тезда барчани бу тўғрида хабардор қилишдир. Шундай ҳаракат қилиш лозимки, ўқувчиларни бинодан олиб чиқиб кетиш учун вақт етарли бўлсин. Ҳаракат қилиш кетма-кетлиги куйидагича бўлиши керак:

Биринчидан, ёнгин чиққан жойнинг эшигини ёпиш керак (кислородсиз қолган аланга кучи камайибгина қолмай, ўчиши ҳам мумкин). Агар ёнаётган хонани ойнадан кўриб қолсангиз, у ерга киришга ҳаракат қилманг. Эшикни очишингиз билан сиз тутуннинг ташқарига чиқиб эвакуацияга (одамларни хавфли жойдан олиб чиқиб кетишга) ҳалақит беришига сабабчи бўласиз. Шунингдек, тўсатдан, кўшимча ҳавонинг кириши ёнгиннинг янада катта тезлик билан кучайиб кетишига сабаб бўлади.

Иккинчидан, ким бўлмасин, у ўқувчиси ё катта одамми қаттиқ бақриб тезликда одамларни бу тўғрида хабардор қилиши керак. Ёнгин ҳақидаги хабар бинодан тўла ҳолда тезда чиқиб кетиш

учун сигнал бўлиб хизмат қилиши керак. Мактаб ходимлари тезликда одамларни бинодан чиқариш тадбирларини кўрадилар.

Ўт ўчириш командасига кўнғироқ қилиб уларни хабардор қилиш лозим.

Ўқувчиларнинг бинодан чиқиб кетишлари қатъий тартиб асосида ўтказилиши керак. Хабарни эшитгач, ўқувчилар дарҳол ўринларидан туриб, ўқитувчи раҳбарлигида синфдан битта-битта бўлиб чиқишлари, қаторнинг охирида ўқитувчи синф журнали билан бориши керак. Бинодан чиққандан сўнг барча аввалдан белгилаб қўйилган жойга йиғилиши ва у ерда ўқувчилар йўқлама қилиниши лозим.

Ҳаракатлар кетма-кетлиги куйидагича бўлади:

Бонг уриш, ўт ўчириш командасини чақириб, эвакуация, йиғилиш, йўқлама.

Ўт ўчириш командаси етиб келгунга қадар қайси хонада ёнгин чиққانлиги ва барча эвакуация қилинганларни аниқлаш керак. Мактабнинг эвакуация режаси ўт ўчириш командасига катта ёрдам беради. Бундай режалар мактабнинг ҳар бир қаватида кўзга кўринарли жойларда осиб қўйилиши лозим.

Ҳеч ким ваҳимага тушмаслиги, ҳаммани тезликда қилинган ҳолда мактаб биносининг барча эшикларни орқали олиб чиқиб кетиш, ёнгин ёки бошқа фавқулодда ҳодиса содир бўлганда тартибли равишда ҳаракат қилиш лозим.

Ёнгин вақтида жуда кўп тутун чиқади. Унинг таркиби карбонат ангидриддан иборат. Бу газ ҳаво билан аралашгач унинг таркибидаги кислородни камайтиради. Шунинг учун ҳам ёнгин вақтида нафас олиш қийинлашибгина қолмай, инсон ҳатто заҳарланиши ҳам мумкин. Баъзан бир неча марта нафас олишининг ўзи худдан кетиш учун етарли бўлади. Ўт ўчириш вақтида тутундан ҳимояланиш учун бутун чораларни кўриш, бинодан чиқиб кетганда нафас олиш йўллари хўлланган дастурмол ёрдамида беркитиш, ёнаётган жойнинг эшигини тезда маҳкамлаб ёпиш керак. Ёнгин чиққан жойдан чиқиб кетаётганда у ерда бошқа одам қолмаганига иқроор бўлгачгина, у жойни тарк этса бўлади.

Одам ҳаёти ҳар қандай буюмдан қимматроқдир. Шунинг учун биринчи навбатда одамларни, айниқса болаларни кутқариш керак бўлади. Болалар кўпинча столларнинг тагига, шкафларнинг ичига бекиниб оладилар ва чақирганда жавоб бермайдилар.

Бино ичига кира туриб яққа ҳимояланиш воситалари кийиши ёки пахта-доқа боғламани тутиш лозим. Ёнаётган бино ичида қолган одамни топгач, унинг устига ҳўл мато ташлаб тезликда хавфсиз жойга олиб чиқиш лозим. Агарда у худдан кетган бўлса очик жойда жабрланган одамни сунъий нафас олдириш керак. Бирор қимсаннинг усти-боши ёнаётган бўлса, унинг чопишига йўл қўймаслик лозим. Шамолда ёнгин янада кучайиб кетади. Ёнаётган одамни ерга ётқизиш, устини қалин нарса билан ёпиш, ҳеч қачон уни ечинтиришга ҳаракат қилмаслик ҳамда куйган жойларини стерилланган материал билан ёпиш зарур.

КУТУБХОНА ЭНГ ГАВЖУМ ЖОЙ

Чилонзор туманидаги Фурқат номли кутубхонага ташриф буюрганимда, рус ва татар миллатига мансуб Аниса Багдасарова ва Назифа Бекматоваларнинг ўзбек тилидаги китобларни ўқишга олиб кетаётганини кўриб хурсанд бўлдим. Ростини айтганда, уларга ҳайратланиб қарадим. Кўпчилик рус тилида ёзилган адабиётларни ўқиётганда, қачон шу китоблар ўзбек тилига таржима қилинар экан, деб орзу қилади. Қизлар ўзбек тилида ёзилган асарни ўқишни хоҳлашибди. Демак, ўзбек тилига ҳам эҳтиёж нисбатан кучайибди-да, деб ўйлайсиз. Балки улар ўзбек тупроғида яшаб, ўзбек миллатини, тилини ҳурмат қилиш кераклигини ҳис қилгандирлар. Нима бўлганда ҳам улар ўзбек тилида китоб ўқишмоқда.


Кутубхона мудираси Маҳмуда Раҳимова ва кутубхоначи Шоҳида Зухарова бунчалик ҳайратланишимни оддий ҳол деб қабул қилишди. Уларнинг таъкидлашича, кутубхона шу маҳалла болалари учун 1962 йилда, маҳалла кўмитасининг ўша пайтдаги раиси Маҳмуд Тожиев ташаббуси билан ташкил қилинган бўлиб, ҳозир бу кутубхонадан мактаб ўқувчилари, талабалар, илмий ходимлар, маҳалла аҳли ва бошқа забон вакиллари ҳам фойдаланар экан. Кутубхона маҳалла аҳлини фақат китоб билан таъминлабгина қолмай, балки ёшлар тарбиясига оид кўплаб тадбирлар ўтказиб келмоқда. 128-, 173-, 179-, 254-мактабларда кутубхона билан ҳамкорликда қизиқарли тадбирлар мунтазам ўтказилади. Тадбирнинг асосий мақсади болаларга кутубхоналар билан қандай ишлаш кераклигини тушунтириш ва уларни кутубхоналарга жалб қилишдир.

— Балки ҳозир ёшлар кам китоб ўқиётгандир, — дейди биз билан суҳбатда кутубхона мудираси Маҳмуда Раҳимова. — Лекин, бундан ҳамма ёшлар китоб ўқимай қўйди, деган хулосага келиш керак эмас. Ёшларимиз орасида китоб ўқидиганлар кўпчиликини ташкил қилади, десам муболага бўлмайди. Масалан, Тохир Маликнинг “Шайтанат”, Тоғай Муроднинг “Отандан қолган далалар” каби китобларини барча ёшдаги китобхоналаримиз ўқиб чиқди. Ёшлар ўқийман деса китоб кўп.

Бу ўринда кутубхоначилардан ҳам фаллиқ ва ташаббус кўрсатилса самарали бўларди.

Шерзод АХМАТОВ,
«Маърифат» муҳбири

“ҲИДОЯТ” ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛАДИ



Аллоҳ ўзи хоҳлаган бандасини яхши амалларга — ҳидоятга бошлайди, имон-этиқод йўлида собитқадам қилади. Бандаси учун энг буюк неъмат аслида шудир. Фақат инсон Аллоҳнинг шундай меҳрибончилигига муносиб бўлиш учун бир умр тинимсиз ҳаракат қилмоғи лозим.

Хурматли газетхон! Қуйидаги лавҳалар “Ҳидоят” журналининг навбатдаги 7-сонидан териб олинди. Албатта, булар денгиздан бир томчи каби бўлса ҳам, қалбимиз, шури-мизни нурлантиради. Агарда Сиз 2001 йил учун “Ҳидоят” журнаliga ёзилсангиз, умрингизни мазмунли, кўнгил мулқингизни бой, дунё ва охиратингизни гўзал этиш йўлида садоқатли ҳамроҳ топган бўласиз. Чунки бу хайрли иш журнал ижодкорларининг эзгу мақсадидир..

Обуна баҳоси бир йилга — 4 минг сўм.

Нашр кўрсаткичи — 1034.

ШЕРИКЧИЛИК НИМА?

“Шерикчилик жоиздир”. Чунки Пайғамбар Алайҳиссалом одамларни ўзаро ҳамкорлик қилишга чақирганлар.

“Шерикчилик икки хилдир: мулкий шерикчилик ва шартномавий шерикчилик. Мулкий шерикчилик — икки кишининг уларга мерос қолган ёки у иккиси томонидан сотиб олинган мулк билан шерикчилик қилишидир. Бу ҳолда уларнинг бири иккинчисининг ҳақида бўлган мулк устидан унинг розилигисиз тасарруф қилиши мумкин эмас. Зеро, томонларнинг ҳар бири шеригининг улушига нисбатан бегона одам ҳукмида ҳисобланади”.

Шериклардан ҳар қайсиси ўз улушини хоҳлаган одамига шеригининг розилигини олмасдан сотиши мумкин бўлса-да, аммо шериклик мулк аралашиб кетган ҳолатда томонлардан бири ўз улушини бегона одамга фақатгина иккинчи шеригининг розилиги билангина сотиши мумкин.

“Иккинчи хил — шартномавий шерикчилик эса, таклиф ва қабул шартлари воситасида, яъни, томонлардан бирининг иккинчисига: “Мен сени фалон нарсага фалон хилда шерик қилдим”, деган мурожаатига иккинчи томоннинг: “Мен қабул қилдим”, шаклида жавоб бериши йўли билан амалга оширилади”.

Бу ўринда шарт шуки, шартномавий шерикчилик тузишга асос нарса унинг устидан ваколат олиниши ва берилиши мумкин нарса бўлиши ҳамда ҳар икки томон ҳам бу нарса устидан биргаликда тасарруф қилиш-

ларига имкон бўлиши зарур.

Шунингдек, ҳар икки хил шерикчиликнинг ҳам бир қатор нозик жиҳатлари мавжудки, тадбиркор одам уларни яхши билиб олмоқлари лозим.

Бурҳониддин ал-Марғиновий,
“Ал-Ҳидоя” асаридан.

АСАД ВАЙС ҲАЙРАТИ

Австриялик машҳур сиёсатчи, журналист, ёзувчи Асад Вайс:

“Менинг Ислон таълимотидаги бениҳоя кенг доирани ўрганишим жараёнида мусулмонларнинг бу таълимотдан узоқлашаётганликларидан, уни ҳаётларига татбиқ қилмаётганликларидан ҳайрат ва таажжубим орта борди. Ислондаги фаоллик, ҳаётсеварлик мусулмонлар орасида ялқовлик ва лоқайдликка айланганини, Ислондаги олижаноблик, Ҳақ учун фидокорлик эса, тор маънодаги мазҳабчиликка, енгил ҳаётга интилишга айланганини кўрдим”, дейди. Дарҳақиқат, биз Ислонни ҳаётимизга тўғри татбиқ эта олмаймиз. Мисол учун, ҳадисда: “Бешиқдан то қабргача иям изланглар”, дейилган. Умрида битта китобни ўқимай дунёдан ўтиб кетган мусулмонлар қанча?! Айрим оила-ларда китоб, газета, журнал мутлақо ўқилмайди.

Тоҳира БУРҲОНИДИНОВА,
Андижон

ЙЎКСИЛ КИМ?

Кунлардан бир кун Зоти бобаракот (с.а.в.) асҳобларидан сўрадилар: “Йўқсил ким эканини биласизларми?” Улар: “Бизда пулиям, молиям йўқ одам-

ни йўқсил дейилади”, деб жавоб қилишди. Шунда Расулulloҳ (с.а.в.) уларга йўқсилни шундай тушунтирдилар: “Умматимдан йўқсили қиёмат куни намоз, закот ва рўзаси билан келади. Аммо дунёда у бировни сўккан, бошқасига тухмат қилган, бунинг молини еган, унинг қонини тўккан ва бошқасини урган. Шунда бу одамнинг яхши-лигидан бунга ҳам, унга ҳам олиб берилмайди. Ҳали ушбу қарзлари узилмасдан яхшиликлари тугаб қолса, у мазлумларнинг гуноҳларидан олинмай, ҳалиги одамга берилмайди ва шундан сўнг дўзахга ташланади”.

Йўқсил ана шу. У дўқонида минг сўмлик моли бўлса ҳам, зиммасида икки минг сўмлик қарзи бор тожирга ўхшайди.

Мубашшир Аҳмад

САЛАФЛАР ШУҲРАТНИ ЁМОН КЎРИШГАН

Муҳаммад ибн Мунқадир ҳикоя қилади: “Расулulloҳнинг (с.а.в.) масжидларида менинг бир устуним бор эди. Кечалари унинг олдида намоз ўқирдим, кейин суяниб ўтирдим. Бир йили Мадина аҳли ёмғирсиз қолди. Шунда улар Аллоҳдан ёмғир сўраб (далага) чиқишди. Лекин ёмғир ёлмади. Ўша кечаси мен Масжиди Набавийда (с.а.в.) охириги — хуфтон намозини ўқиб бўлиб, устунимга суяниб ўтирган эдим. Бир пайт эгнига қўйлаб кийган, яна бошқа бир қўйлақни бўйнига ташлаб олган қопқора одам кириб келди. Менинг устунимнинг олд томонига ўтиб икки ракат намоз ўқиди-да ўтирди. Сўнг деди: “Эй Раббим, пайғамбаринг ҳарамдагилар ёмғир сўрашди, лекин ёмғир бермадинг. Мен Сендан ўтинаман, уларни сўғор”.

Жинни бўлса керак, деб ўйладим. Аммо у дуодан қўлини қўймасдан туриб, осмонда момақалди овози эшитилди. Ёмғир келаётган эди. Уйга қайтмоқчи бўлдим.

Ёмғир овози эшитилгач, ўша одам Аллоҳга ҳамдлар айтди. Шундай айтдики, умримда унақасини эшитмаганман. Кейин: “Мен кимманки дуойимни ижобат қилдинг. Лекин мен Сенга ҳамд айтиш билан, қудратинг билан паноҳ сўрадим”, деди. Сўнгра намоз ўқий бошлади. Қиёмда узо-оқ турди. Субҳ яқинлашганини сезгач, сажда қилди ва витр ўқиди. Сўнгра бомдоднинг икки ракат суннатини адо қилди. Кейин фарзига жамоатга қўшилди. Мен ҳам қўшилдим.

Имом салом бергач, ўрндан турди. Орқасидан мен ҳам турдим. Масжиднинг эшигига етгач, кийимини ёпиниб ташқарига чиқди ва ёмғирга “шўнги-ди”. Ортидан кийимини кўтариб чиқдим, тезда сув бўлиб кетдим ва унинг қаяққа кетганини билмай қолдим...

«Салафлар хулқи» китобидан.

А.ХҲАМОВ тайёрлади.

ҲАММА ЎҚИЙДИГАН ЖУРНАЛ



“Каратэ — хослар спорти. У оммавийлик бўйича дунёда футболдан кейин иккинчи ўринда туради. Бу миқдор спорт турининг замрида ётган фалсафанинг таъсиридир. Каратэ кишини ўз-ўзини ҳимоя қилишга ургатади”. Бу сўзлар Ўзбекистон Каратэ Миллий Федерацияси президенти Нурхон Нафасовнинг айтганлари. Мамлакатимиздаги ягона қора белбоғ 6-дан со-

ҳиб билан бўлган суҳбатни “Ёш куч” журналининг 7-сонида ўқийсангиз мумкин.

“Тарбия соати” рукнида Имом Газзолийдан “Нафс муҳосабаси”нинг охири берилган: “Сенинг нафсинг ҳам ҳамманинг нафси кабидир. Насихат унга таъсир қилади. Унда аввал ўз нафсингга насихат қил, таъна қил”.

“Жинсий тарбия” рукнидаги Уктам Муҳаммад Муроднинг “Онандан қолган одат” мақола-си барча ёшларни жалб қилиши, табиий. Мақолада сизни қизиқтирган баъзи саволларга жавоблар берилган.

“Занжир” видеофильмида бош ролни уйнаган актёрни биласизми? Журналнинг ушбу сонида ёш санъаткор Соҳиб Аббосхон билан ҳам суҳбат берилганки, бу санъатсеварларнинг талабларига биноан уюштирилган гурунг. Унда “Баҳром”

билан яқиндан танишасиз: “Тонгда машҳур бўлиб уйқудан турдим”.

Ҳаммамиз ухлаганда туш кўрамиз, аммо ҳамма ҳам тушга жиддий эътибор бермайди. “Жуда кўп мутахассислар ХХ асрнинг энг улкан фожеалари тушга эътибор бермаслик оқибатида юзага келганлигини айтишади”, дейди Жаббор Эшонқул “Туш ва таъбир” мақола-сида. Бу ҳақдаги қизиқарли маълумотлар билан ушбу тадқиқот мақолада танишишингиз мумкин.

Сурайё Зоҳирнинг ҳикоялари, Дилбанд Абраева, Наима Алиқулова, Санобар Қодирова, Эрмат Холматов шеърлари адабиёт ихлосмандларига мўлжалланган.

“Соғлом авлод”, “Қатортолга мактублар”, “Қизларжон”, “Ораста, ораста”, “Дунё ва биз”, “Биласизми?”, “Спорт”, “Лати-

фалар”, “Сураган эдингиз...” рукнлари остидаги материаллар, кроссворд ва “Учинчи ўлчамга саёҳат” ҳам катта-кичик ёшдаги журнал ихлосмандларини қизиқтириши, табиий. Зеро, “Ёш куч” — барчанинг таъбини, эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда бири-бирдан қизиқарли материаллар бериб боришни одат қилган.

Журнал ижодкорлари доимий изланишда. Ўз ўрнига эга журналнинг янада кўпроқ ўқилишини, материалларнинг янада кўпроқ “тош босиши”ни исташади улар. Изланишлар натижаси улароқ “Ёш куч”нинг бу йилги 8-сонини “Офарин” номи остида махсус сон бўлиб чиқди. “Офарин” — миллий санъатимизга ўзига хос муносабатлар минбари бўлиб қолишини истаган журнал ижодкорлари 2001 йилда уни алоҳида журнал сифатида тақдим этишни ниятла-



ганлар. “Офарин” йилда 4 марта чиқади. Бу “Янги аср авлоди” нашриёт-матбаа марказининг “Ёш куч”, “Синфдош”дан сўнг учинчи журнали.

Янги аср авлодининг энг илгор вакили бўлишини хоҳласангиз, янги мингйиллик, янги эрага қўяжак қадамнингиз қутлуг бўлишини истагангиз, “Ёш куч” ва “Синфдош” журналларига обуна бўлишга шошилинг!

КАРВОНЛИ

КИТОБ ЙИГИШИНИ СЕВАДИГАН ОЛИМ

Иноятулла Сувонкулов 1935 йили Галлаорол туманидаги Кориз (Кўрик) қишлоғида таваллуд топган. Падари бузруквори мулла Сувонкул қуръонхон зиёли бўлганлар. У кишининг меҳмонхонасида тез-тез илм - маърифат хусусида суҳбатлар, китобхонликлар уюштирилиб турилган. Мазкур меҳмонхонада кечган пурмаъно кироатхонлик, китоблар ҳақидаги суҳбатлар Иноятулланинг кўнглида маърифатга муҳаббат уйғотган.

У Самарқанд Давлат университетининг филология факультетини тугатиб, Галлаорол туманидаги ўрта мактабларда тил ва адабиёт ҳамда тарих фанларидан дарс беради. Ва тугилган юртида, ҳали талабалик даврида бошлаган китоб йиғишини қанда қилмайди, аксинча, жадаллаштиради. Қилинган меҳнат бесамар кетмайди: тўпланган қўлёмалар кейинчалик номзодлик диссертациясини ёқлашда қўл келади. Иноятулла Сувонкулов 1964 йилда Қарши Давлат педагогика институтида ўқитувчи, сўнгра СамДУда академик Воҳид Абдуллаев раҳбарлигида тадқиқотчи сифатида фаолият кўрсатади. 1970 йилда "XIX аср ва XX аср бошларида Жиззах воҳаси шоирларининг поэтик мероси" мавзусидаги номзодлик диссертациясининг муваффақиятли ҳимоясидан сўнг С.Айний номидаги Самарқанд Давлат педагогика институтида 22 йил ўқитувчи, кафедра мудири, декан лавозимларида ишлади. 1990-95 йилларда Самарқанд Давлат тиббиёт институтида ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири, 1995 йилдан ҳозиргача Самарқанд Давлат чет тиллар институтида кафедра мудири сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Мустақиллик адабиётимизнинг янги қирраларини очишга, муқаддас меросимизни ўрганишга имконият яратди. Бу ҳаётий заруратдан келиб чиқиб, И.Сувонкулов бутунлай янги мавзуга, яъни муборак шахс, аллома Сўфи Оллоёр ижодига қўл урди. Натижада 1997 йилда "Сўфи Оллоёр ва унинг адабий аънаналари" мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Заҳматқаш олим Иноятулла Сувонкулов фаол жамоатчи ҳамдир. Етти йилдирки, у киши Самарқанд шаҳар ва вилоят ҳокимликлари ҳузурдаги топонимик объектларга ном бериш комиссиялари раиси ўринбосари сифатида фаолият кўрсатади.

Профессор Иноятулла Сувонкуловнинг фаолияти республикамиз ҳукумати ва маҳаллий ҳокимликлар томонидан муносиб тақдирланган. У 1999 йилда "Шухрат" медали билан мукофотланди, В.Абдуллаев нишони ва "Устоз" фахрий унвони соҳиби бўлди.

Домла олти фарзанднинг отаси, олти нафар шириншакар набиранинг бобоси.

Иноятулла Ҳожи Сувонкулов ҳали-ҳануз куч-ғайрат, илҳом оғушида талаба-ёшлар, шогирдларга устозлик қилмоқда.

Н. НАРЗУЛЛАЕВ

Фидойи муаллим Мамашукур Чориевга Самарқанд Давлат дорилфунунининг рус тили факультети деканатидан хат келди. Хатда жумладан шундай дейилганди: "Хурматли Мамашукур Чориев! Сизнинг мактабингиз ўқувчиси, республика ўқувчилар олимпиадасининг рус тили фани бўйича ғолиби Юлдуз Маматова олимпиада ғолибларига бериладиган имтиёзга асосан бизнинг факультетимизга имтиҳонсиз қабул қилинди. Ўқишнинг дастлабки кунлариданоқ Юлдуз ўзининг билимдонлиги, намунали хулқи, жамоат ишларида фаоллиги билан бошқа талабаларга ибрат бўлиб, профессор-ўқитувчиларимизнинг ҳурматида сазовор бўлмоқда. Бизнинг факультет билан ҳамкорлик қилиб, ёш авлод тарбиясига биргаликда ҳисса қўйишларининг сўраймиз ва бу соҳада Сизларга улкан ютуқлар тилаймиз".

бўлиб ишламоқда.

Мамашукур бу мактабга раҳбар бўлиб келган кундан бошлаб ўқувчилар билим савиясини оширишга, таълим ва тарбия бирлигига эришишга ҳаракат қилди. Ўқитувчиларни янги, замонавий дарс ўтиш усулларини ўрганишга чорлади. Ўзи эса бу ишда бошқаларга ибрат бўлди. Барча синфхоналар дид билан жиҳозланди. Хоналарда тасвирий ойналар ташкил этилиб, ўқувчиларнинг ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш тезликлари, ёд олган шеърларининг, ўқиган бадиий асарларининг миқдори кўрсатиб борилди. Натижада ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан яқиндан туриб ишлашига шароит яратилди. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг билим бериши ва билим олишида, бошқа фаолиятларида ижобий рақобатдошлик юзага келди. Рақобат бор жойда эса ўсиш, юксалиш бўлади. Ушбу юксалиш натижаси ўла-

ШОГИРДЛАР КАМОЛИ — УСТОЗ ФАХРИ

Хатни ўқиган Мамашукурнинг қалби қувонча тўлди. Бу хат унинг кўп йиллик меҳнатларининг яна бир самараси, унга берилган яна бир баҳо эди.

Мамашукурнинг ёшлик чоғлари Ўзбекистон денгизи деб ном олган Каттақўрғон сув омборининг сўлим бўйларида ўтди. Она-Ватанга, гўзал табиатга шайдолик уни келажакда география фани ўқитувчиси бўлишга ундади.

Ота-онасига, мактабдаги устозларига ўз орзусини айтганда улар хурсанд бўлишиб, фикрини қўллаб-қувватладилар.

У 42-ўрта мактабни тугатиб, Самарқанд Давлат дорилфунунининг география факультетига ўқишга кирди. 1976 йил дорилфунунни муваффақиятли тугатиб, ўзи тўғилиб ўсган Янгиқийёт қишлоғидаги турли мактабларда ўқитувчи, илмий бўлим мудири, директор лавозимларида ишлади. Қўшимча синфхоналар қуришда жонбозлик кўрсатди. Мана, икки йилдирки, Каттақўрғон туманидаги 43-ўрта мактабда директор


рок, ҳар йили мактаб ўқувчилари вилоят ва республика олимпиадаларида фаол иштирок этиб келишмоқда.

Бугунги кунда мактабнинг туманда ва вилоятда энг намунали билим даргоҳларидан бири даражасига етишишида Абдуҳалим Усмонов, Хайринисо Тиллаева, Ҳабиба Ҳасанова, Ширин Чориева, Ноила Бакирова, Фазилат Маматова сингари жонкуяр ўқитувчиларнинг ҳиссалари катта бўлмоқда.

М.Чориевнинг халқ таълими соҳасидаги хизматлари "Меҳнат шухрати" ордени, "Халқ таълими аълочилиги" ва "Шарафли зиёкор" нишонлари, вилоят, туман ҳокимликлари ва халқ таълими бўлими фахрий ёрликлари билан тақдирланган.

Эндиликда шогирдлар камолани ҳис қилиб яшаш бу фидойи устозлар меҳнатининг энг яхши самарасидир.

Худойберди ИСЛОМОВ



Элчихона ходимлари француз тили чекка қишлоқда ҳам шу қадар яхши билишларини француз халқига бўлган чексиз ҳурмат деб билишди. Икки халқ ўртасида ривожланиб бораётган иқтисодий, маданий ва маърифий алоқаларда бу каби тадбирлар ҳам катта урин тутиши айтилди.

Юлдуз Маҳмадиев ўз оддига қўйган мақсадларга эришмоқда. У талабалик йилларидаги амалиёт пайтиданок ўқувчилар билан қандай тил топишсам экан, уларга тил

ТИЛ БИЛДИНИНГ, ТИЛЛО ТОПДИНИНГ

Шаҳрисабзда бундан бир неча ойлар муқаддам ажойиб хабар тарқалди: "Тумандаги Бобур номи жамоа хужалиги ҳудудда жойлашган 26-ўрта мактабга Франциянинг Ўзбекистондаги элчиси келибди. У шу мактабнинг француз тили ўқитувчиси Юлдузхонга шахсан ўзи миннатдорчилик билдирибди", деган гап тумандаги, нафақат тумандаги, балки бутун вилоятдаги мактабларга етиб борди. Баъзилар ҳайрон бўлди, "нимага Юлдузхонга ташаккур изҳор қилади" деб, баъзилар ҳавас қилди, элчи жаноблари билан француз тилида суҳбатлашган қизга.

Гапнинг индаллоси эса қуйидагича. Бир неча йиллардан буён мактабда француз тили муаллимаси бўлиб ишлаётган Юлдуз Маҳмадиевнинг ўқувчилари француз тилига шу қадар қизиқишадикан, ушбу тил сир-асрорларидан тезроқ воқиф бўлишга инти-

лишади. Ўқувчиларни француз тилига қизиқтирган ҳам, ўз тилидан бошқа бирор чет тилини билишнинг афзаллигини болажонларга ўқитган ҳам шу — тиниб-тинчимайдиган, ҳар доим ниманингдир ташвиши билан югуриб-еладиган Юлдуз булади.

Хуллас, шу йилнинг июнь ойида у мактабда ажойиб бир тадбир ўтказди. Мактабга Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ходимларини таклиф этди.

Элчихона ходимларини ўзбекистон меҳмоннавозлик билан қутиб олган жамоа хужалиги раҳбарлари, вилоят ва туман халқ таълими бўлими ходимлари аввал андак чўчишди, бу Юлдуз қандай қаромат кўрсатаркин, бизни уялтириб қўймасмикан, деб.

Йўқ, ҳаммаси жуда ажойиб ва қутилмаган тарзда бўлиб ўтди. 26-мактаб ўқувчилари француз тилида бийрон-бийрон сўзлашди, французча шеърлар айтишди, ўзбек ва француз рақсларини ижро этишди.

ўргатишнинг энг содда ва қулай йулларини ўргатишда қийналиб қолмасмиканман, деб кўп уйланди эди. Бутунги кунда тил билиш, чет тиллардан бирини ўрганиш мўҳим масала бўлиб турган бир пайтда муаллимнинг ўқувчилари тиним билмай, қизиқиб француз тилини ўрганмоқдалар. Бу тилини ўрганишга булган рағбат эса элчихона ходимларининг 26-мактабда булганларидан сўнг яна ҳам кучайди. Аваз Утарнинг "Ҳар тили билув эмди, бани одама жондир, тил робитаи оламиендир" деган сатрларини шир қилиб олган Юлдуз Маҳмадиев ҳамон изланишда.

Шарифа МАДРАҲИМОВА

Суратда: француз тили муаллимаси Юлдуз Маҳмадиевнинг ўқувчиларга дарс ўтмоқда.

Б.РИЗОКУЛОВ
олган сурат.

ОРЗУЛАРИ УШАЛГАН АЁЛ

Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат опера ва балет катта театрига кирган олмон журналисти ҳаяжонланиб кетди: "Наҳотки, Тошкентда Ж.Вердининг "Травиатта" сини итальян тилида бу қадар маромига етказиб ижро этувчи шундай етук овозга эга санъаткорлар бўлса!" Спектаклдан сўнг меҳмон бош роллардан бирини ижро этган солист билан учрашди ва у ҳақда Германияда беш тилда чоп этилиб, бутун ер юзи бўйлаб тарқаладиган нуфузли журнал учун мақола тайёрлашди.

Дарҳақиқат, бу ноёб овоз соҳиби ва етук маҳоратга эга бўлган йигит санъатига муҳиб ёлғиз олмон журналисти эмас, балки унинг истеъдоди жуда кўп эътиборли саҳналарда кўпчилик томонидан эътироф этилган. Бироқ биз қуйида бу санъаткор хусусида эмас, балки унда ана шу ноёб қобилиятни илк бор илганган ва операдан буткул йироқ оддий қишлоқ йигитининг бу қадар камолот касб этишида катта ҳисса қўшган ва у каби ўнлаб шогирдлар етиштириб, дунё саҳналарига олиб чиққан меҳрибон мураббий, устоз ҳақида тўхталмоқчимиз. У киши 33 йилдан буён Ҳамза номидаги Тошкент Давлат мусиқа билим юртида талабаларга сабоқ берадилар.

Виктория Викторовна Шашкова асли русийзабон, бироқ шу юртининг фарзанди: У 1940 йили серкүёш Термиз шаҳрида таваллуд топган. Виктория Викторовна ҳам опера ижрочилиги бўйича илк сабоқни ўз шогирдлари сингари мазкур билим юртида олган. Билим юртини тугатгач, бу соҳадаги билимларини янада ошириш учун Виктория ўқишларини Тошкент Давлат консерваториясида давом эттиради, талабалик давридаёқ уни Самарқанд Давлат опера ва балет театрига ишга қабул қилишди. Консерваторияни тугатгач, у Тошкентда қолиб ишлашни ихтиёр этди ва консерватория қошидаги опера студияси солисти этиб ишга олинди, унинг Ҳамза номидаги билим юртидаги ўқитувчилик фаолияти ҳам ана шу йилдан бошланди. Шундай қилиб, у солист сифатида филармониядаги, консерватория ва билим юртидаги концертларда яқин ижрочи бўлиб қўшиқлар ижро этди, ўқитувчи сифатида билим юртида шогирдларга сабоқ бера бошлади. Ҳозирда унинг кўплаб орзулари ушалган: хусусан, у тарбия берган шогирдлардан Луиза Исломализода ҳозирда Европа ва Англия опера театрларида ўз санъатини намойиш этмоқда, бир қанча халқаро конкурслар лауреати, Елена Калчанова-Шагиева — Вашингтонда бўлиб ўтган халқаро конкурс лауреати, ҳозирда Чикагодаги Опера театрида солист бўлиб хизмат қилади, Нормунин Султонов — бир қанча халқаро ва республика миқёсида ўтказилган конкурслар лауреати, Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат опера ва балет катта театри солисти, Наталья Бизеева — Чехияда ўтказилган халқаро конкурс дипломи соҳиби ва ҳоказо. Бу рўйхатни жуда узоқ давом эттириш мумкин. Санъат соҳасида Виктория Викторовна қўлида тетапо бўлган кўплаб шогирдлар қанот чиқариб узоқ-узоқларга учиб кетишган. Мўҳими улар қалбларига устоз номини, Ўзбекистон номини жо айлаб дунёнинг эътиборли саҳналарида ўз санъатларини намойиш этишмоқда.

В.ЖАЛИЛОВ

МАЪНАВИЯТ — ҲАЁТ КЎЗГУСИ

Куни кеча Ўзбекистон касба уюшмалари федерацияси кенгашининг катта залида Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий кўмитаси томонидан "Маънавият сабоқлари" мавзусида тадбир уюштирилди. Унда Марказий кўмита ходимлари билан биргаликда республика Маънавият ва маърифат марказининг маънавий-маърифий тарғибот бўлими мудири, севимли шоирамиз Турсуной Содикова ҳам иштирок этиб, иштирокчиларга маънавиятнинг жамиятдаги ўрни, мазмун ва моҳияти хусусида маъруза қилди.

— Марказий кўмитамиз томонидан ташкил этилган "Маънавият — ҳаёт кўзгуси" номли ўқув машғулотлари ҳар ойда 2 мартаба ўтказилади. Бундан кўзланган асосий мақсад ёшларда, умуман аҳолида, таълим ва фан ходимларида маънавият, маърифат, миллий мафкура ни шакллантириш, уларнинг онгини ўстиришдан иборатдир, — дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий кўмитасининг раис ўринбосари, ташкилий ишлар бўлими мудири Клара Саидумарова.

Ўтказилган тадбир бахсмунозарага бой бўлиб, унда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларига жавоб олишди.

Шоира ЖўРАКУЛОВА

РАССОМ — ТАЛАБАЛАР МЕҲМОНИ

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети бадий-графика факультети талабалари "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланган Ўзбекистон халқ рассоми, Бадий академиянинг faxрий аъзоси, профессор Малик Набиев билан учрашув мулоқотга йиғилдилар. Факультетнинг ижодкор ўқитувчилари ва талабалари ишлаган сара рангтас-

Uchrashuv

вир, графика, наққошликка оид 100 дан зиёд ижодий ишларни томоша қилган талабалар мусаввир бисотидан муносиб ўрин олган "Амир Темир портрети", унинг яратилиш тарихи, асарнинг мазмунига сингдирилган гоёлар ва тасвирий воситалар қандай қўлланилганидан хабардор бўлишди. Рассом тарихий портретларни ишлаш жараёнида илгари дуч келинган қийинчиликлар, эндиликда истиклол натижасида тасвирий санъат ривожига берилаётган катта эътибор ҳақида тўхтади. Учрашувни ташкил қилган бадий-графика факультети маънавий-маърифий ишлар бўйича декан муовини, доцент Нозим Толипов ҳамда ўқитувчи Озодагул Умурзоқоваларга талабалар ҳам, меҳмон ҳам ўз миннатдорчилигини билдиришди.

Баҳром ТОЖИЕВ

Поёнига етиб бораётган юз йиллик сўнгида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бедаво СПИД касалининг чорасини топиб, бўлгуси асрга улкан муваффақиятлар билан кириб боришга ҳаракат қилмоқда.

Ўзбекистонда ҳар йили 1 декабрь — Умумжаҳон СПИДга қарши кураш куни муносабати билан турли жойларда аҳолига ташвиқот-тарғибот ишлари мунтазам равишда олиб борилмоқда. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2000 йил 17 ноябрдаги 02-1-688 сонли ҳатига мувофиқ, барча таълим муассасаларининг 5—11-синфларида "СПИД" касаллигининг олдини олишга қаратилган ёзма ишлар (диктант, баёнлар) ўтказиш бўйича тавсиялар юборилмоқда.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу тавсиялар бу борадаги ишларингизга ёрдам беради, деб умид қиламиз.

ОИТС (орттирилган иммунитет танқислиги синдроми) давримизнинг энг даҳшатли касаллигидир. Бу касаллик ҳозирда деярли бутун дунёга тарқалиб, минг-минглаб одамларнинг умрига зомин бўлмоқда. Бугунги кунда республикамизда ҳам бу касаллиқнинг кўпайиш эҳтимоли мавжуд. Шу боис ўрта махсус ва умумий ўрта таълим мактаблари, коллежлар ўқувчиларига касаллиқнинг олдини олиш борасидаги тарғибот ишларини жонлантиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

ОИТС касаллиги сурункали юқумли касалликлар гуруҳига мансуб бўлиб, у асосан, одамнинг ҳимоя воситаси ҳисобланган иммунитет системаси ва бошқа ҳаётий муҳим аъзоларини чуқур жароҳатлаб, барча юқумли-юқумсиз касалликларга мойил қилиб қўяди ва 100 фоиз ўлим билан тугайди (!). Шунинг учун унутмаслик лозимки, ОИТС билан табиий шароитда фақат одамларгина касалланадилар.

Тарихга назар ташласак, ОИТС касаллиги 1981 йилда АКШнинг касалликларни назорат қилиш маркази томонидан биринчи марта расмий равишда рўйхатдан ўтган. Баъзи тахминий маълумотларга кўра, ОИТС вируси азалдан Марказий Африка чангалзор ўрмонларида, одам қадами етмайдиган жойларда яшовчи аҳоли орасида мавжуд бўлиб, ҳозирги кунда касаллиқнинг эпидемиологик вазияти тобора кескинлашиб, мураккаблашиб бормоқда.

ОИТСни кўзгатувчилар, асосан, ретровируслар ва лентивируслар (секин таъсир қилувчи вирус) оиласига мансуб бўлиб, уларни дастлаб 1983 йили франкув вирусолог олим Л.Монтанье ва 1994 йил америкалик олим Р.Галлолар топилган.

Касаллик соғлом одамга асосан жинсий органлар орқали ёки стерилланмаган игна қабул қилганда юқади. Бундан ташқари, СПИД касаллигига мубтало бўлган аёл туққанда, боласига ҳам юқиши мумкин.

Ҳўш, бу касаллик шунчалик мураккаб экан, унинг олдини олиш мумкинми? Ҳа, мумкин. Бунда, аввало, ҳар бир эркак ва аёл маънавий жиҳатдан пок бўлиб, ўз турмуш ўртоғига умрининг охиригача содиқ бўлиб қолиши зарур. Зеро, бевафолик қилишнинг хавфи ва унинг гуноҳи азим эканлигини тўла маънода англамоғи, идрок этмоғи даркор. Шунингдек, ба-

шарият учун хавф, тараққиёт учун таҳдид солаётган, жамиятни иқтисодий ва маънавий таназзулга етаклаётган, умуминсоний моҳият касб этган хавфли иллат — гиёҳвандликдан ёшларимиз ўзларини тийишлари шарт. Чунки ўткнчи хузурнинг фожиаси игнага ўтириб, ундан кўпчилик "фойдаланиш"и ва натижада СПИД касаллигини юқтириши мумкинлигини, айниқса ёшларимиз англамоғи лозим.

Ўқитувчилар ва тарбиячилар юқори синфдаги ўғил ва қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш масаласига эътибор берсалар фой-

ОГОХ БЎЛИНГ!

дадан холи бўлмасди. Чунки оила куриш арафасида турган йигит ва қизларга ишқ-муҳаббат ва вафо ҳақида сўзлаб бериш, оила ва унинг вазифалари, эрхотин бурчи, оила аъзоларининг тўғри ва ростгўй, бир-бирларига садоқатли, ғамхўр бўлишлари доимо ўргатилса, ўсмир ёшлар учун эса ВИЧ/СПИД касалликларига оид ўқишлар махсус режа асосида тушунтирилиб, тарғиботлар олиб борилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Жумладан, "ВИЧ/СПИД касаллигининг олдини олиш ва унга қарши курашиш" услублари бўйича ўқув-мавзу режалари қуйидагилардан иборатдир:

6-синф (12-14 ёшлилар) ўқувчилари учун: ВИЧ/СПИД ва бошқа жинсий йўл билан юқадиган касалликлар бўйича умумий тушунча, юқиш йўллари, ВИЧ билан СПИДнинг бир-биридан фарқи, ахлоқ жавобгарлиги, касалликдан сақланиш йўллари, касалланган беморга ёрдам кўрсатиш;

7-синф (13-15 ёшлилар) учун: жинсий йўллар билан юқадиган бошқа касалликларга ҳам умумий тушунча бериш, уларга қарши курашиш чоралари, ахлоқ жавобгарлиги ва тарбияси, сақланиш чоралари;

8—9-синфлар учун: ВИЧ/СПИД касалликлари ҳақида умумий тушунча, касаллик белгилари, аниқлаш усуллари ва профилактикаси, бемор ва унинг оиласига ёрдам бериш каби дарс мавзуларидан фойдаланишлари мумкин.

1 декабрда Бутун жаҳон ҳам-жамияти ОИТСга қарши кураш, касаллиқнинг олдини олиш, бу борада ёшларни билимлар би-

1 dekabr — Umumjahon SPIDga qarshi kurash kuni

лан қуроллантириш мақсадида турли анжуманлар ўтказяпти. Бизда ҳам шу сана олдида "Ёшлар ОИТСга қарши", "Ёшлар, огоҳ бўлинг", "Ўткинчи кайфу сафога берилманг", "Иродангизни қўлга олинг", "Бедаво касаллик" мавзуларида кўплаб иншолар республикамизнинг барча умумий ўрта таълим мактабларида ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Ўқувчилар учун тарбиявий соатлар ва "Соғлом авлод асослари" дарслари давомида иншо ёзишга тайёргарлик кўриш, суҳбат, мунозара, баҳслар ўтказиш учун қуйидаги адабиётлардан фойдаланиш тавсия этилади:

"СПИД ва унинг ижтимоий муаммолари", (Абдусатторов А.А. ва б.), "СПИД касаллиги ҳақида" (Бахромова Р.А.), "Вопрось вирусологии", "Иммунология" (Петров Р.В.), "Иммунология" (Ҳайтов Р.М.), "СПИД, эпидимиология, профилактика" (Усмонов М.К.), "Соғлом авлод асослари" дастури (Искандарова Ш.Т., Солиҳова Г.У.) каби китоблардан фойдаланиш мумкин.

Суҳбатларни ёзма ишлар шаклида ўтказиш учун ўқувчи-ёшлар

кийишга кийимим йўқ, жуда қийналдим. Нима қилишни билмайман, энди қаерга бориб дод десам экан? — дебди.

Чол: — Сен камбағалмисан? — деса, у:

— Ҳа, бола-чақам ва ўзим очман. Кийим-кечак йўқ, — деб зорланибди.

Чол: — Хўп, бўлмаса, менга ўнг қўлингни сот, неча пул берай? — деса, ҳалиги йигит:

— Йўқ, ўнг қўлим ўзимга керак, сотмайман, — дебди. Шунда чол:

— Бўлмаса ўнг кўзингни сот, — деса йигит:

— Нега мен ўнг кўзимни сотар эканман, у менга доим керак, — дебди.

Чол шу тарзда йигитнинг тана аъзоларини бирма-бир сотгин, деб айтибди. У эса ҳамон "йўқ" жавобини қайтаравергач, йигитга:

— Ҳа, бутун муччанг соғ бўлса, турмушдан зорланиб нима қиласан. Кишининг танжони соғлиги — туман бойлиги-ку! Соғ бўлсанг — қандай иш бажарсанг, қўлингдан келади, — деб жавоб қайтарган экан.

СПИД ВА УНДАН САҚЛАНИШ

Ҳозирги пайтда СПИД дунёдаги жуда кўп мамлакатларга, хусусан, Европа ва Осиёга ҳам тарқалган.

Вирусли микроорганизмлар олдида одам организми амалий жиҳатдан ҳимоясиздир. Организмга СПИД вируси юққанда ҳам шундай ҳол рўй беради. Яъни зарарли ҳужайралар ўлмай, балки кўпаяди. Ва бундан келиб чиққан барча оқибатлар натижасига кўра зарарли ўсмалар пайдо бўлади. СПИД вирусининг ана шундай табиатларига кўра, касаллик ривожланиши турлича кечади. Нерв тўқималари ҳужайраларининг аномал кўпайиши, марказий нерв системаси фаолиятининг ўзгариши натижасида турли асаб касалликларини кузатиш мумкин. Агар бу касаллик оғирроқ касалликларнинг микроорганизмларига ўтса, фоҳиа тезроқ ниҳоясига етади. Унинг яширин даври 3-5 йилгача давом этиши мумкин.

СПИД жинсий йўл билан, шунингдек, вирус юқтирилган қон қуйиш ва яхши қайнатилмаган шприц орқали ҳам соғлом организмга юқади. Аммо СПИД вируслари ҳаво, сув, озиқ-овқат, қўл билан кўришиши, ҳашаротларнинг қақиши орқали юкмайди. Афсуски, СПИДни даволашда жуда самарали натижа берадиган усуллар ҳанузгача топилгани йўқ. СПИДга қарши курашиш, бу юқоридаги қоидаларга риоя қилишдир.

Мамлакатимизда ҳам қатор илмий-ташкилый, қонуний тадбирлар кўрилмоқда. СПИД вирусини ташувчи одамлар махсус аноним лабораторияда текшириб кўрилмоқда. Касал деб тахмин қилинган киши ўз хоҳиши билан текширувдан ўтмаса, соғлиқни сақлаш органларига мажбурий равишда келтирилади.

Шундай экан, СПИД одамлар учун гоётада оғир касаллик эканлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим.

Ў.ЯКУБОВ,
республика Таълим
маркази "Экология ва
саломатлик" бўлими
ходими

ТАН-СИҲАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

(Ривоят)

Ўтган замонда бир қашшоқ киши донишманд чолнинг олди-га келиб: — Ота, ейишга ноним,

Уруш фахрийси, кекса шоир Тўра Жуман ижоди сизга нотаниш эмас. Шоир ўзининг 75 ёшлик тўйи арафасида "Ўзбекистон" деб номланган янги достонини ёзиб тугатди. 13 бобдан иборат бўлган бу салмоқлигина достоннинг 2-ва 3- боблари эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН

(Достондан парча)

II боб

Ўзбекистон, анча ғамни сен чеқдинг,
Шухратинг кўп бўлса, ёв ортди шунча.
Ваҳший босқинчилар қақдингни букди,
Гузаллар хўрланди — топтади гунча.

Искандар, араблар, салжук, Чингизхон
Қилган вайроналик тарихингда бор.
Бўлди экинзорлар, боғ-роғлар пайҳон,
Одамларинг бўлди ўз ерингда хор.

Қалби пок донолар — сўзга моҳирлар
Қувғинда ўтказди қишни ва ёзни.
Тенгсиз олимларинг, улуг шоирлар
Оғир шароитда китоблар ёзди.

Хоразм тор бўлди Ал Хоразмийга,
Алгебрага асос солди чет элда.
Жуда ҳам қизиқди кўплаб илмга,
Ҳали ҳам тушмайди шухрати тилдан.

Бир минг бир юзинчи йилда Беруний
Ернинг глобусин илк бор кашф этди.
Хоразмда утмай унинг ҳам умри,
Ҳаёти Ҳиндистон ерида битди.

Хор-зор бўлди кимки обрўга эга,
Илмда зурларни қўймади тинчроқ.
Хориж паноҳ бўлди ибн Синога,
Ҳамадонда ижод қилди у кўпроқ.

Ўнлаб фанни яхши билган Форобий,
Куйларни чалганда барча лол қолган.
Бағдодда кашфиёт қилди Фаргоний,
Шогирдлари ундан кўп таълим олган.
Жони ором бўлса, иссиқ жойини
Ҳеч ким ташлаб кетмас, ҳаммага аён.
Гийбатчига берди хон саройини,
Шул сабаб баъзида айниди замон.

Сира ҳам афсона эмас Алпомиш,
Сира ҳам афсона эмас Гуруғли.
Ёлгон эмас, чиндан тугилар миш-миш,
Юртим, сендан алплар чиққани тўғри.

Ривоят эмасдир Тўмарис, Широқ,
Ўзбекистон, бўлдинг қўрқмаслар юрти.
Ёвга зарба берган тарихинг йироқ,
Ботирлар аҳдида мустаҳкам турди.

Ўглинг Жалолидин, Темур Маликлар
Жонни фидо қилди сен учун, ўлкам,
Мадад кутди қашшоқ қўшни ўлкалар,
Ожизларга паноҳ бўлгандир кўлканг.

Темурнинг мардлиги тенгсиз эмасми,
Шарқ, ғарбга танилган ўғлон ўша-ку.
Кўплаб эллар уни бахтим демасми,
Тузуқ ёзди, фанда полвон ўша-ку.

Жангда Боязидни енгган маҳали,
Европада деди уни халоскор.
Францияда бор олтин ҳайкали,
У бўлди чиндан ҳам кўшга мадакдор.

III боб

Темур тарбиясин кўрган Улугбек,
Ажойиб аллома бўлиб улғайди.
Олам аро камдир машҳур унингдек,
Шухрати ер шарин тўлиқ чўлғайди.

Оқсаройни кўрган бобосин севди,
Кўкғумбаз кўрдирди Шаҳрисабзда.
Барча-барча фаннинг даҳосин севди,
Бор қилди Самарқанд — пойтахт шаҳрида.

Ҳамон бор Улугбек расадхонаси,
Мингдан кўп юдузнинг жадвалин тузган.
Унгадир шоирлар кўп қасидаси,
Одил подшоҳликда йўқ ундан ўзган.

Ҳиротда тугилган Навоий меҳри
Турк тилига ошди, чунки ўз тили.
Кўп асар яратди унинг зур зеҳни,
"Ҳамса"ни ёзганда шод бўлди эли.

Юртим, шундай буюк ўғлонларингдан
Фахрланиб мағрур бўлсанг арзийди.
Тенгсиз кашфиётлар қилганларингга
Абадий ёдгорлик қўйсанг арзийди.

Ҳиндистонга подшоҳ бўлса-да Бобур,
Юртим, сени доим эслаб яшади.

Борганларни хурсанд қилди у шоир,
Ширин қовунингни хушлаб яшади.

Дунёга машҳурдир "Бобурнома"си,
Севилиб ўқилар ғазаллари ҳам,
Улугдир авлодин ҳамма-ҳаммаси,
Зебунисо каби гўзаллари ҳам.

Юртим, асрлардан асрга ўтдинг,
Хонликлар иттифоқ бўлмади асло.
Яхши подшоҳ, яхши замонни кутдинг,
Кўнглинг шодликларга тўлмади асло.

Темир йул қурилди, бойликларингни
Осонликча ташиб кетмоқлик учун.
Келгинди бор қилмай ҳеч йўқларингни,
Борни бермаганга кўрсатди кучин.

Ноҳақликка қарши курашганларни
Қатагон қилдию бир-бир йўқотди.
Ҳақиқат йўлида бирлашганларни
Узоқ сургун қилди ё тезда отди.

Утмишинг, кечмишинг аянчли, юртим,
Тўлиқ ёзмоқ бўлсам тарихи узун.
Файзулла, Акмадек раҳбарни кўрдинг,
Улар жонни берди, ўлкам, сен учун.

Оғир кунларда ҳам ишонч ўлмади,
Тинмай ижод қилди шоир, адиблар,
Олимларинг сира тиним билмади,
Кеча-кундуз ишда бўлди котиблар.

Ойбек, Гафур Гулом, Абдулла Қаҳҳор,
Шайхзода қўшди фанга кўп ҳисса.
Ўзбекистон, шундай буюкларинг бор,
Номи тирик, лекин яшади қисқа.

Тоғ-чўлларда кезди Ҳабиб Абдулла,
Сахро, қирларингдан очди анча кон.
Топди турли маъдан, жавоҳир, тилла,
Юртим, ҳар қаричинг бизлар учун жон.

Юнус Ражабий ва кўплаб бастакор
Қайта тирилтирди кўп куй-қўшиқни.
Фарзандларинг ватан учун фидокор,
Азиздир юртига ким қўйса ишқни.

Тўра ЖУМАН



Сабрнинг тубида Сизга аталган—
Сап-сарик олтинлар
қолдими занглаб.
Гийбат қилдиларми
қолиб орқада,
Сизга етолмаган гўзал хотинлар.
Бойлар борган бўлса...
Уша лаҳзада,
балки Сизга етмай
қолган олтинлар.
Бир оз сабр қилинг,
Бироз тушунинг,
Балки йўлларингиз қолар очилиб.
Йўқса...
Орқангиздан баҳорнинг,
қишининг—
Қон тўла юраги кетар сочилиб.
Ҳали эртамасми
Қайга шошасиз,
Яна кетдингизми саҳарлаб ишга.
Ёки ўзингизни чоғлаганмисиз—
Сабрнинг тубида мангу қолишга.

ИЖАРА УЙДА ЎРГИМЧАККА ҲАСРАТ

Нега қилдинг ўз жонингга қасд—
Туғилдинг кирдинг кафанга.
Одамларни қилмасдан писанд,
Яшаш учун чиқдинг баландга.

Яшасанг-чи ерга уй қуриб,
Яшираман кундуз-кечаси.
Иккимизни чиқарар қувиб,
Кўриб қолса уйнинг эгаси...
Қара...

ҳар кун...
юксак-юксакдан,
Кўкка қараб яшаб қадрдон,
Дунёни сен битта бурчақдан,
Иборат, деб билдингми, нодон.
Баъзан қалқиб-қалқиб тушасан,
Титраганда уй кулгулардан.
Ҳатто кўкда асрамоқ оғир,
Бир жонингни супургилардан...
Бу дунёда супургилар кўп,
Келар кўннинг супургилари.
Улар фақат тоза осмонга
Келар доим тупургилари...
Майли... яша ерга уй қуриб,
Яшираман кундуз...кечаси...
Иккимизни чиқарар қувиб,
Кўриб қолса уйнинг эгаси...

Бугун таъналардан юрагим ожиз,
Қаёққа қарамай тинади кўзим.
Бугун ёлғизлардан ёлғизман, ёлғиз,
Менинг овозимга ўхшамас сўзим.

Тун, безиб турибман қоронғуликдан,
Менинг кўз ёшимни кўрмаётирсиз.
Адашиб турибман бу кўргуликда—
Бугун ёлғизлардан ёлғизман, ёлғиз.

Кўлимни чўзаман. Кўлим етмайди,
Олисда милтиллаб турган зиёга.
Зулумот хонамдан бир зум кетмайди,
Қуёш кетиб бўлган Сурхондарёга.

Тун, безиб турибман қоронғуликдан,
Қочиб кетгим келар далага-қирга...
Фақат Сиз бўлсангиз,

Фақат ман бўлсам,
Фақат қуёш бўлса биз билан бир-
га...

Бугун аламлардан зада юрагим,
Бошқача йиғлади кўнгироқлар ҳам.
Ҳеч кимга сездирмай ишққа кетсак
жим,
Фақат Сиз бўлсангиз...
Фақат ман бўлсам...

Мени уялтиргинг келдимми, Чироқ,
кўзимга қарама — кўзим ёшланган.
Менинг юрагимда сендан
олдинроқ—

Бир ёруғ...
Чароғон кунлар бошланган.
Азизим, бир нафас тушгин ёнимга,
Мунгайиб кўзимда яшадинг берух.
Ташаккур айтгим бор
Сенинг борингга,
Ва лекин кўзлар бор сендан ҳам
ёруғ.

Бир лаҳза...
Бир лаҳза кўзларингни юм,
Муаллақ титраган кўлларим бежон.
Чироғим, бахтиёр кўзимдан суюн,
Чироғим, бахтиёр кўзимга ишон.
Сўнги бор қарайман.
Мунгай чироқ—
Ортимдан кўзлари боқади берух.
Йиғлайман...
Йиғлайман азизим, бироқ
дунёда кўзлар бор ундан ҳам ёруғ.

Хосият РУСТАМ

Ололма турибман ўзимни кўлга,
Тополмай турибман ҳеч жойда
қўним.

Боришга манзил йўқ—
Чиқаман йўлга—
Чайқалар осмонни кўтарган қўлим.

Зулумот қаърига тортади, гўё,
Қоронғу кечалар бошлайди ғамга.
Мурувват кўрсатиб юборгин, Дунё—
Ўзининг кўлидан чиққан одамга.

САБРНИНГ ТАГИ ОЛТИН...

Азизим, руҳингиз бунча топталган,
Бунча аламлисиз...
Титрамоқда қалб.


ЕР
ЮЗИДА

Кеча Фаластин раҳбари Ёсир Арофат Москвага келди. У В.Путиндан минтақада кечаётган қонли тўқнашувларни тўхтатишда ёрдам беришини сўрамоқчи.

Хорватияда юз берган кучли портлаш оқибатида 1 киши ҳалок бўлган, 3 киши оғир яраланган.

Чеченистонда Рейтер агентлиги телеоператори ўлдирилган.

АҚШдаги сайловларда А.Гор тарафдорлари Майами-Дейд округидаги ҳисоб-китоблар якун-



ланса, Гор Бушдан ўзиб кетади, деб ҳисоблашмоқда.

Сўнгги кунларда бўлаётган Россия пойтахтидаги қаттиқ совуқдан уч киши вафот этди.

Тайвань ҳукумати ўз худудида хитойлик журналистларнинг фаолият кўрсатишини таъқиқлаб қўйди.

Украина пўлат ишлаб чиқарувчи давлатлар рейтингидаги 7-ўринни сақлаб турибди.

Эрон Каспий денгизини собиқ СССР билан келишилган шартномага мувофиқ бўлиб олиш таклифи билан чиқди.

Ушбу мақолада АҚШнинг Вашингтон шаҳридаги Америка университети бошқарув тизими, факультет ва коллежлари, кутубхоналари, техник базаси, талаба ва ўқитувчиларга кўрсатиладиган хизмат турлари, университетга қабул ҳамда ўқув жараёнини ташкил қилиш масалалари, талабалар билан олиб бориладиган ишларга алоҳида аҳамият берилган.

Америка университети Вашингтон шаҳридаги мустақил, турли йўналишлар бўйича хорижий ва маҳаллий мутахассисларни тайёрлайдиган олий ўқув юртидир. Университет гуманитар ва аниқ фанлар, халқаро алоқалар, ҳуқуқ, халқаро хизмат, оммавий ахборот воситалари бўйича юқори даражадаги ўқув дастурларига эга.

Америка университети 1893 йили Конгресс акти асосида ташкил этилган. Университетда АҚШнинг 50 та штати, Колумбия округи ҳамда жаҳоннинг 140 дан ортиқ хорижий мамлакатларидан 11 мингга яқин талаба бакалаврлик (4 йил - 8 семестр), магистрлик (соҳасига қараб 2 йилгача - 4 семестр) дастурлари бўйича таҳсил олади. Улардан 3 мингдан зиёдроги хорижлик талабалардир. Профессор-ўқитувчилар 600 дан ортиқ мутахассисни ташкил этади.

Америка университетида гуманитар ва аниқ фанлар, халқаро алоқалар, Вашингтон ҳуқуқ, Когод бизнес бошқарув, халқаро хизмат ва оммавий ахборот воситалари факультетлари мавжуд.

Замонавий кутубхонада 653 минг китоб, 899 минг микроформа, 3500 та журнал, 33 минг газета таълим тизимига хизмат қилади. Компакт дискларда жуда катта ҳажмдаги материаллар тўпланган.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, талабалар Вашингтон шаҳрида жойлашган Смитсонинан институти, Жон Кеннеди амалий санъат маркази, Тиббиёт миллий институти, Конгресс кутубхонаси, Жаҳон банки, Миллий архив, Брукнингс институти, Савдо палатасининг билим олиш манбаларидан фойдаланиб етук

мутахассис бўладилар.

Америка университетининг 16 мамлакатда ўз корпуслари бор. У Бирлашган Араб Амирликларининг Шаржа шаҳрида қўшма университет очган. Бу бино Бирлашган Араб Амирликлари томонидан қурилган бўлиб, бошқарув, кутубхона, компьютер, дарсликлар, ўқув адабиётлари, дастур, ўқитувчи-профессорлар ҳамкорлар томонидан таъминланади. Албатта, бу ерда ўқиш истагини билдирган талабалар билим эгаллаш учун пул тўлайдилар.

Ўқув юртининг раҳбари президент деб юритилади. У 25 та машҳур ишбилармондан иборат Васийлик Кенгаши томонидан тайинланади ва ишдан озод қилинади. Президент Васийлик Кенгаши олдида мунтазам равишда ҳисобот бериб туради. Ўз

АМЕРИКА
УНИВЕРСИТЕТИ

навбатига, унинг ривожланиш, талабаларга хизмат кўрсатиш, илмий кенгаш, молия масалалари ва қабул бўйича вице-президентлари бор.

Танлов махсус қабул комиссияси орқали ўтказилади.

Университет ўзининг хусусий теле, радио ва фотостудияларига эга.

Гуманитар ва аниқ фанлар факультетида 3000 нафар талаба таҳсил олади, уларга 240 нафар ўқитувчи билим беради. Мазкур коллежда адабиёт, тарих, социология, психология, иқтисодиёт, биология, антропология ва бошқа йўналишлар бўйича мутахассис тайёрланади.

Талабалар билими куйидагича баҳоланади: А-аъло (беш), В-яхши (тўрт), С-қониқарли (уч), D-қониқарсиз (икки), E-бир, F-ноль. Ушбу факультетда талабалар асосий фанлардан ташқари, қизиқишга кўра, қўшимча мутахассислик ҳам олишлари мумкин. Талабалар ҳафтасига 20 соат аудиторияда ўқишади. Кутубхона ва компьютер мустақил таълим учун.

Бакалавр даражасини олган талабалар, мутахассислигига қараб, 15-20 фоизи шу ўқув юртида ёки АҚШнинг бошқа олий ўқув юртларида магистратурада таҳсил олиш имкониятига эга. Бакалавр даражасини олиш учун талаба 8 семестр давомида 120 кредит соат олиши шарт, 1 семестрда 15 кредит соатдан кам бўлиши мумкин эмас. Кредит соат деганда фан бўйича ҳафта давомидаги соат миқдори тушунилади. Масалан, экология фани бўйича ҳафтасига 3 соат дарс қўйилган. Демак, ушбу фан учун 3 кредит соат ажратилади.

Ўқиш тўлови йилига ўртача 20.000 АҚШ долларини ташкил қилади.

Бу тўлов албатта белгиланган муддатга қадар тўланиши

Хорижда та'лим

ётган талабаларга ўз ихтисослиги бўйича иш жойларини топишда ёрдамлашади. Мазкур хизмат бюллетенлар, брошюралар ва турли материалларда чоп этилади. "Интернет"да турли иш жойлари ҳақидаги маълумотлар жойлаштирилган. Иш билан таъминлаш хизмати турли ташкилотлар, муассасалар ва компаниялар вакиллари иштирокида семинар, конференциялар ташкил қилади. Марказ замонавий технологиялардан фойдаланиб, талабалар учун йилига минглаб иш жойларини тавсия этади.

Пухта билимли ва иқтидорли талабалар учун Америка университети турли стипендиялар ажратган. Бундай стипендияларни қайси мамлакатдан бўлишидан қатъий назар, талаба пухта билимини намойиш этсагина олиши мумкин. Бритиш Маршал стипендиясини олган талаба Британия университетларида 2 йил давомида ўқиш имконига эга бўлади. Фульбрайт гранти талабаларга хорижий мамлакатларда 1 йил давомида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш имконини беради. Америка университетида Харри Труман 30.000 АҚШ доллари миқдоридаги стипендияни ҳам таъсис этган.

Тўлов ҳақи барча учун баробар. Америкада икки хил олий ўқув юртлари мавжуд: давлат ва нодавлат. Давлат университетларида маҳаллий аҳоли учун тўлов ҳақи 2-3 баробар кам, чунки давлат университетларига бюджетдан пул ажратилади.

Делегациямиз аъзолари Америка Қўшма Штатларининг таълим тизими билан яқиндан танишибгина қолмасдан, ўз тажриба ва фикрлари билан ўртоқлашдилар.

Ўзбекистон таълим тизими ва уни такомиллаштириш йўллари, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалга ошириш ҳақида фикрлашдик. Албатта, олий ўқув юрти раҳбарларининг нуфузли университетларда малака оширишлари таълим тизимини янада такомиллаштириш шартидир.

Муҳаммадали САИДОВ,
Гуландом БОҚИЕВА

ВЬЕТНАМ ЙИГИТИ
ТОШКЕНТДА
ИШЛАМОҚЧИ

Тю Вьет-Нга 1981 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати вьетнам. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетининг 2-курсидан таҳсил олмоқда. Тю Вьет-Нга ўзбек, рус, инглиз, хитой, япон, испан тилларини мукаммал билади. Тю Вьет-Нга ўзининг тиришқоқлиги, ҳаракатчанлиги билан бошқа талабалардан ажралиб туради. Шунинг учун бўлса керак, ўтган йили Испаниядаги машҳур Гранада университетида журналистика соҳаси бўйича бир ярим ой таҳсил олиб қайтди.

Тю Вьет-Нга билан Испания таассуротлари ҳақида суҳбатлашдик. Унинг таъкидлашича, Испаниядаги таълим билан Ўзбекистон таълим тизими бир-биридан унчалик фарқ қилмас экан. Испанияда ҳам талабалар рейтинг системаси асосида баҳоланар экан. Фақатгина уларда дарсга қатнашиш мажбурий эмас, лекин охирида имтиҳонни топширса, бас. Лекин ўзбекистонлик ёшлар ҳар томонлама билим ўзлаштириб, Испания ёшларидан устун тураркан. Испания ёшлари фақат бир соҳа бўйича чуқур билим оларкан.

Тю Вьет-Нгани журналистика факультетида Фарҳод деб аташади. "Фарҳод" шундай дейишни яхши кўради: мен Тошкентда туғилдим, демак, шу юртга хизмат қилишим керак. Тошкентнинг нонини еган чумчуқ Маккадан ҳам қайтиб келади, деб бежиз айтилмаган-ку! Мен Ўзбекистоннинг бошқа чет давлатлар билан алоқаларига ўз ҳиссамни қўшмоқчиман, дейди.

Бундай теран фикрлари билан ҳар қандай ёшларга ўрнатилган вьетнам йигитига нима ҳам дер эдик. Фақат унга омад тилаб қоламиз.

Шерзод АҲМАТОВ,
«Маърифат» мухбири

Бугунги серфайз пойтахти-миз боғ ва хиёбонлари, ҳовлию кўчаларини айлансангиз, ажойиб анвойи гуллар билан бурканганлигига гувоҳ бўласиз. Баъзи истироҳат боғлари ва хиёбонларнинг гулхоналарида Европа ва бошқа қитъалардан келтирилган кўп йиллик доимо яшил бўлган гулларни учрата-миз. Улардан самшит, буксус, юкка деб аталувчи ва улар ичида йирик ва узун барглари билан чиройли манзара касб этувчи Мексика агаваси алоҳида ажралиб туради.

Мексика агаваси кўп йиллик ўсимлик бўлиб, агавадошлар оиласига мансубдир. Унинг 275 га яқин тури мавжуд бўлиб, асосан Америка шимолининг тропик ва субтропик ҳудудий қисмларида, Мексика чўлларида кўп тарқалган. Агава ўсимлигининг

бир қисми манзарадор ҳамда техник ўсимлик сифатида маданийлаштирилган. Мексика агаваси 12 йилдан ошиқ вақт мобайнида жуда тез ўсиб, илдиз узун-

увчи ноёб ўсимлик. Шуниси қизиқарлики, у бутун умри давомида бир марта гуллаб ҳосил беради, холос. Айрим ҳолларда 12, 25, ҳатто 40 йилдан кейин ҳам

НАҚШЛИ ГУЛЛАР

лиги 2,5 метр, эни 10-15 см келадиган 150 дан ортиқ қиличсимон шаклдаги барг ҳосил қилади. Агар бу барглар эгаллаган жойни ҳисобласак, 8-10 метрни ташкил этади. Барглари қалин бўлиб, йирик, сувни кам буглатиш хусусиятига эга.

Мексика агаваси қурғоқчиликка чидамли, ҳатто 10 даража совуққа ҳам бардош берадиган, яъни ёруғлик ва иссиқликни се-

гуллаши мумкин. Бундай ҳодиса гулнинг фақат яшаш шароитига боғлиқ.

Ўсимликнинг иссиқ мамлакатларда ўсадиган баъзи турлари баргидан сизаль пенку (зангори каноп лоси), ченекон деб юритилувчи тола олиниб, ундан арқон, ип, даган тўқималар, қолдигидан қоғоз, ширасидан ичимликлар ҳам тайёрланади. Ёш барглари овқатга, қариган барглари бўлса

Nafosat

қурилишда уй томларини ёпишда ишлатилади. Агавани маҳаллий аҳоли кўпроқ ҳовли ва боғлар атрофини ўраш ёхуд девор ўрнида ҳам фойдаланиш учун экади.

Агава ўсимлиги мана бир неча йилдирки, бизнинг мамлакатда ҳам ўстирилади. Бу манзарали ўсимлик кишилар ҳордиқ чиқарадиган, катта чиройли бинолар атрофида, зинаполярлар, хоналарни безатишда ҳамда хиёбон гулхоналарига экилса, жуда чиройли кўрк бағишлайди.

Нигора НИЁЗМАТОВА,
Республика ёшларининг
“Биозкосан” ўқув-услубий
мажмуаси “Экспериментал”
илмий-тадқиқот
лабораторияси ходими

НИШОЛДА

Нишолдани тайёрлаш учун сирли идишга шакар ва сув солиб қайнатилиб, қиём тайёрланади ва совутилади. Етмак усимлигининг илдизи тозаланади ва майдалаб сувда қайнатилади. Етмак қайнаб чиққандан сўнг, сувини доқадан ўтказиб, мис қозон ёки сирли кострюлкага солиб бир оз совутилади, унга тухумнинг оқидан қушиб, чилчўп билан аралаштирилади.

Nonushta

ди, ҳосил бўлган оқ кўпикка оз-оздан қиём ва чилчўп уриш узоқ давом эттирилади. Таъмини яхшилаш учун қиёмга лимон кислотаси ва ванилин қушилади. Нишолдада кристаллашган шакарнинг қумоқлашуви ва қиёмнинг кўпикдан ажралмаслиги нишолда тайёр бўлганини курсатади. Тайёр нишолданинг ранги оппоқ булиб, маҳсус ёғоч куракчани ботирганда чўзилиб чиқади.

0,5 кг шакарга 0,5 л сув, бир чой қошиқ лимон кислотаси ва ванилин, 2 та тухумнинг оқи, 20 г етмак керак бўлади.

ПИЁЗ ВА САРИМСОҚПИЁЗ БАЙРАМИ

Энг оддий нарсаларда ҳам энг қизиқарли воқеалар яширинган бўлиши мумкин, деганида дунёнинг машхур файласуфи нақадар ҳақ эди. Чиндан ҳам энг оддий нарсаларга ҳамма вақт ҳам эътибор беравермаймиз.

Маълумотларга қараганда, сабзавотлар ичида энг камтарини бўлмиш саримсоқ ва пиёз анъанавий байрамлар билан алоқадор экан.

Швейцария каби улуғвор ва гўзал мамлакатда ҳар йили анъанавий пиёз байрами ўтказилади. Бу байрам ниҳоятда қизиқарли ва қувноқ кайфиятда ўтади. Ўша кунни мамлакатнинг энг катта ва гавжум бо-

Dunyo udumlari

зорларида, расталарда, ресторанларда пиёз кўшиб тайёрланган ажойиб миллий таомларнинг кўргазмалари ўтказилади.

Шунингдек, байрам қатнашчилари пиёз кўшиб тайёрланган ажойиб ичимликдан истаганларича ичиш имконига эга бўладилар. Бу галати тантананинг ўзига хос “галати” одалари ҳам бор. Масалан, байрам иштирокчилари ўзлари билан кичкинагина болғача олиб юришлари ва кўчадан ўтиб бораётган одамни тушириб қолишлари мумкин. Бундай ҳолларда ҳар иккала томон ҳам хафа бўлиб ўтирмайди. Аксинча, болға зарбини ҳис қилган одамнинг ҳам кулиши талаб этилади.

Қолаверса, байрамнинг яна бир ажойиб хусусияти борки, бу тантана давомида энг кўп калтакланганларга маҳсус мукофот берилади.

Хитойда эса саримсоқпиёзни “аждар тишлари” деган ном билан эъзозлар эканлар. Европа мамлакатларининг айримларида эса саримсоқпиёз сайли ўтказилади. Бу мамлакатларнинг барчасида саримсоқпиёз ошхонанинг “гули” саналади. Испанияда эса уни ҳатто мармеладга ҳам аралаштириб ишлатадилар.

Пиёз ва саримсоқпиёз ўзбек хонадонларида ҳам севиб истеъмол қилинадиган сабзавотлар сирасига киради.



Дугоналар суҳбати

Инсон ҳамма вақт ҳам ўз ҳаётидан мамнун бўла олмайди. Бири кам дунё дейишганидек, барчанинг кўнглида нимадандир норозилик ҳисси ҳукмрон бўлади. Кимдир ўз бахтини тополмаган, кимдир соғлигини йўқотган, яна кимдир тирноққа зор.

Аммо нима бўлганда ҳам, одам туйғулар устидан галаба қозониб, ақлга суяниши керак. Ана шунда ҳаёт унинг кўз олдида ўзининг пинҳоний сўқмоқларини очади.

Мен бугун бир аёл ҳақида ҳикоя қилмоқчиман. У аёлни мақтамоқчи, кўкларга кўтармоқчи эмасман, фақат барчанинг онгида шаклланиб улгурган ўғай оналарнинг ҳаммаси ҳам эртақлардаги каби ёвуз ва раҳмсиз эмаслигини айтиб ўтмоқчиман, холос.

Улар катта ва некбин орзу-умидлар, пок муҳаббат билан оила қуришди. Бир неча йиллик севги қувончлари, у келтирган изтироблар, аразу гиналар унутилди. Тўйдан аввал йигит “Сизни гуллардан ҳам, дову дарахтлардан ҳам, шабодадан ҳам қизгонаман” дерди. Қиз чиройли келинчак бўлди. Гул-гул яшнаб, болам деб бағрига олган қайнота-қайнонасининг хизматини қилар, болалар боғчасида тарбиячи бўлиб ишлар эди. Ҳар кун сеvimли болажонлари ҳузурига ошиқарди. Тезроқ фарзанд кўрсам, ўз боламни ҳам шу болажонлар каби авайлаб-ардоқласам деган ширин ниятлар билан юргувчи келинчак ҳар бир кунни янги умид ва ҳаяжон билан кутарди.

Орадан кун, ой, йил ўтди. Фарзанд ҳақидаги ширин хаёллари энди хавотирга айлана бошлади. Кўчага чиқса ҳамма уни гапирётгандек, қўли билан кўрсатаётгандек туюлаверди. Қайнона, қайнотаси “қизим, айлана болам” деб атрофида гириттон бўлса ҳам, келинчак хижолат бўлаверди, шу пайтгача фарзандли бўлмаганлигим учун кесатишяпти, ширин гаплари билан “чакиб” олишяпти, деб. Яхшиям, болалар боғчасида ишлаши. Ўз гуруҳидаги болалар билан машғул ўтганда, уларни овқатлантириб, кийимларини алмаштириб кўйганда бироз овунади. Бийрон-бийрон тиллари билан чуғурлашиб, уни саволларга кўмиб ташлаган болажонларнинг ҳар бири-

ни бағрига босганда ҳам аламли, ҳам армонли хўрсиниб кўяди.

Турмуш ўртоғининг ўзига бўлган ҳурмат ва муҳаббатини кўриб яна эзилади. Бир кун ийглаб ўтирганини кўриб қолган умр йўлдоши унга далда бергандек, шу билан бирга ўзини ҳам овутиб “Фарзанд билан давлатнинг эрта-кечи йўқ. Хафа бўлма, сикилма, худо бизга ҳам фарзанд берад” деб юпатди.

Умид билан, эзгу ниятлар билан яшайверишди. Бу орада турли табибларга, номи чиққан шифокорларга учрашди. Лекин уларнинг тилаклари ҳадеганда ижобат бўлавермади. Умр югурик дарё, дейдилар. Турмуш қурганликларига ўн йил ҳам тўлди. Ўн йил айтмоққа осон бўлган фурсат. Бу фурсат давомида бу жуфт оққуш каби бир-бирига

ОРЗУ ОДАМЪ КЕЛТАРЪ УМИД

вафодор, бир-бирини жонидан ҳам ортиқ кўриб, авайловчи оила қанчадан-қанча гапсўзлар, тухмат ва таъналарга қолмади, дейсиз.

Эркак суюмлисидан ажралмаслигини ота-онасига ҳам, қариндош-уруғларига ҳам таъкидлаб айтишдан эринмади, аёл сиз бошқа бир аёл билан турмуш курсангиз фарзанд кўриб, бахтли бўлиб кетасиз, дейишдан чарчамади.

Эркакни бир ташкилотга раҳбар этиб тайинлашди. Сидқидилдан, бор меҳрини болаларга ва боғчага бериб ишлаган аёл боғча мудираси лавозимига кўтарилди. Энди у 300 нафардан ортиқ боланинг онаси эди. У боғчасидаги ҳар бир болани танир, уларга алоҳида бир меҳр билан муомала қилар, кичкинтойлар билан ҳам катталардек суҳбатлашиб ўтираверарди. Ҳаёти давомида ўрганган, кўрган нарсаларидан хулоса чиқариб иш олиб бора бошлади. Боғча тез кунда тилга тушди. Ҳамма жойда ибрат сифатида тилга олинди.

Umr so'qmoqlarida

Яхши одамларнинг маслаҳати ва эр-хотиннинг келишуви билан туғруқхонадан, янги туғилган чақалоқни фарзандликка олишди. Аёл орзуларининг баъзиларига етгандек қувонди. Оналикнинг барча заҳматлари ва бу заҳматлар ортидан келадиган роҳатларнинг барчасини кўрди. Боласини чексиз бир меҳр билан парварши қила бошлади. Худонинг қудрати тенгсиз экан. Ўн етти йиллик армон ва кўз ёшлар ҳақиқи ёки бегона болага кўрсатилган эътибор ва гамхўрлик худого хуш келдими, аёл яна бир бор оналик бахтига мушарраф бўлди. Бу сафар у ўз жигаргўшасини тўққиз ой бағрида авайлаб, асраб, кўтариб юрди.

Катта ўғлига ҳамма орзу-умидларим ушалсин, оиламга бахт олиб келсин, деган ниятда Орзу деб исм қўйганди. Кичиги ҳам ўғил бўлди, унга акаси исм қўйди: “Менинг исмим Орзу, укамники Умид бўлсин”. Бу пайтда Орзу 1-синфда ўқиётган, кўпгина нарсаларнинг фарқи борадиган бўлиб қолганди. “Биз укам иккаламиз сизнинг ва дамнинг орзу-умидларини ушалтирамиз, яхши болалар бўламиз. Дадам буюрган ҳамма юмушларни бажарамиз”, деди Орзу.

Бугун Орзу ҳам, Умид ҳам катта йигитлар бўлишди. Орзу мактабни тамомлаш арафасида, Умид 3-синфда ўқияпти.

Ота-она Орзунинг бегоналигини сездиришмайди. Аслида бегона ҳам эмас-да, чунки икки кунлик чақалоқлик пайтида шу она бағрига, шу уй қучоғига келган. Дунёни илк бор мана шу ота-онасидан ўрганган.

Кишлоқ одамлари ҳам яхши, бир-бирини тушунадиган инсонлар. Шу пайтгача Орзуга ўғайлигини айтиб қўйишмади. Ота-онаси эса уни Умид билан бир хил кўзда кўради.

Бугун улар жуда бахтли яшамокдалар. Ота-онанинг нияти Орзу ва Умиднинг бахтини кўриш, уларнинг фарзандларини боқиб-тарбиялаш.

Ш.МАДРАҲИМОВА

**АСОСИЙ ЭЪТИБОР —
ТЕРМА ЖАМОАГА**

Футбол федерациясининг йил якунларига бағишланган анжуманида асосий эътибор терма жамоага қаратилди. 2001 йилда эса мамлакат чемпионати олий ва биринчи лигаларида 18 тадан жамоа иштирок этадиган бўлиши.

**КАФЕЛЬНИКОВ —
ЧОРАК ФИНАЛДА**

Швецияда давом этаётган 775 минг доллар мукофот жамғармасига эга "Scania Stockholm Open" теннис турнирида Е.Кафельников чорак финалга чиқди. Фолибликка асосий даъвогар ҳисобланаётган россиялик юлдуз чорак финалда Федерер—Вичи-гуерра жуфтлиги голиби билан куч синашади.



**МАРАДОНАНИ
ЯПОНИЯГА
КЎЙИШМАДИ**

Япония ҳукумати машҳур аргентиналикнинг ўз давлатлари ҳудудига қадам босишини истамади. Бу унинг яқин кунларгача наркоман бўлганлиги билан изоҳланди. Марадона "Тойота" кубоги учун 28 ноябрь кун бўладиган "Бока Хуниорс" — "Реал" матчини томоша қилмоқчи эди.

**МОСКВАДАГИ
ТОМОШАЛАР**

Чемпионлар лигасининг "Спартак" — "Арсенал" учрашувидан сўнг москвалик мухлислардан 20 нафари тартиббузарликлари учун ҳибсга олинди. Тўрт киши эса жароҳат олиб, касалхонага ётқизилди. Буларнинг барчасига сабаб — "Спартак"нинг "Арсенал"ни 4:1 га ютганлиги эди...


**ТАЪЛИМ ВА ФАН
ХОДИМЛАРИ
СПАРТАКИАДАСИ**

Ҳар қандай спортчи ўқитувчи бўла олмаслиги мумкин, лекин ўқитувчидан спортчи чиқса ажабланмаймиз. Шу маънода Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий кўмитаси "Соғлом авлод йили" муносабати билан биринчи мартаба мазкур йилнинг 29 ноябрь ва 2 декабрь кунларида халқ таълими ходимларининг республика спартакиадасини ўтказишни режалаштирди.

Куни кеча Марказий кўмита биносига кўмита раиси З.Қодиров раҳбарлигида ташкилий кўмита йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда халқ таълими ходимлари республика спартакиадасининг якуний босқич мусобақалари иштирокчиларини кўнгилдагидек кутиб олиш, тадбирни ҳаққоний тарзда баҳолаш ва ўтказиш масалалари келишиб олинди.

Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу мусобақада беллашувчилар спортнинг мини-футбол, стол тенниси, шахмат-шашка турлари бўйича Чирчиқ шаҳридаги "Слав" ва "Кимёгар" спорт иншоотларида куч синашадилар.

Шерали МАХМАРАЙИМ ўғли



**ФАРҒОНАЛИК ЁШ
ФУТБОЛЧИЛАР ГОЛИБ**

Фарғона шаҳрида беш кун мобайнида футбол мактаб-интернатларининг 1986-1987 йилларда туғилган тарбияланувчиларининг Халқ таълими вазирлиги биринчилиги финал мусобақалари бўлиб ўтди.

—Финал мусобақасида қатнашган олти команда аъзолари дастлабки учрашувларданок ғалаба иштиёқиде кураш олиб боришди, — дейди мусобақа бош ҳаками, Ўзбекистон "Ёшлик" КСЖ Марказий кенгаши футбол бўлими бошлиғи Бобур Ҳайдаров. — Давра тизимида ўтказилган мусобақада энг чиройли ўйин кўрсатган ва юқори натижага эришган Фарғона футбол мактаб-интернати жамоаси биринчилик голиби бўлди. Мусобақада фаол қатнашган Бухоро мактаб-интернати иккинчи, Самарқанд мактаб-интернати вакиллари учинчи ўринларни эгаллашди. Шофиркон, Янгиер, Денов мактаб-интернатлари 4—6 ўринларни олишди.

Финал мусобақаси голиб ва совриндорлари диплом ва фахрий ёрликлар, ҳомий ташкилотларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Ғ.МАННОПОВ

ҳар микёсидаги мусобақаларда мактаб шарафини ҳимоя қилишади. Бир неча йилдан бери мактаб ўқувчилари кўл тўпи бўйича туманда пешқадамлик қилиб келишмоқда. Мактаб ўқувчилари бошқа турлар бўйича ҳам совринли натижаларни эгаллаб келмоқдалар.

Суратларда: 1. Жисмоний тарбия ўқитувчиси Зиннат Ибатуллин кўл тўпи бўйича мактаб терма жамоаси билан машғулот пайтида. 2. Мактаб баскетбол терма жамоаси аъзолари навбатдаги ўйинларга тайёргарлик кўришяпти. 3. Жисмоний машғулотлар ҳам соғлиқ гарови, ҳам мактаб шарафи учундир.

Равиль АЛЪБЕКОВ олган суратлар.

Спорт — тинчлик элчиси, саломатлик гаровидир. Соғлом муҳит бор жойда соғлом авлод юзага келади. Пойтахтимизнинг Шайхонтохур туманидаги 102-мактабда бу борадаги ишлар яхши йўлга қўйилган. Мактаб ўқувчилари спортнинг футбол, баскетбол, кўл тўпи, енгил атлетика, шахмат-шашка ва стол тенниси турлари билан шуғулланишади. Ўқувчилар бўш вақтларини ўзлари севган спорт турлари бўйича жисмоний тарбия ўқитувчилари Шоакром Исроилов ва Зиннат Ибатуллинлардан сабоқ олиш билан ўтказадилар. Ушбу спорт турлари бўйича мактабда кичик чемпионат ўтказиш анъанасига айланди. Мактаб чемпионлари туман, ша-

ХОТИРА МУСОБАҚАСИ

Хотира халқимизда муқаддас саналади. Айниқса, Ватан ҳимояси йўлида шаҳид бўлганлар, элу юрти учун улғу хизмат қилган инсонлар номи асло ўчмайди.

Яқинда Пайарик туманидаги 19-умумтаълим мактабининг ўқувчилари ўртасида ўтказилган кураш ҳамда футбол мусобақалари Абдурашид Ҳотамов хотирасига бағишланди. Бу хайрли ишга маҳалланинг нуруний отахонлари Сайилбой Раҳимов, Эрхон Ҳотамов ва мактаб директори Муртазо Ҳошимовлар ҳомийлик қилишди. Туман ХТБ мудири Аваз Раҳимов голиб синфларга муносиб совринларни топшира туриб шундай деди: "Ўтказаетган бу тадбиримиз ҳар томонлама аҳамиятлидир. Яъни, мард ўғлонимиз руҳини шод қилиш билан бирга сиз ёшларни ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом, етук шахслар қилиб тарбиялашимизга ушбу мусобақанинг ёрдами катта бўлади. Ташаббусимизни эса анъанавий - ҳар йили ўтказиладиган мусобақага айлантирамиз. Зеро, Абдурашиддондек фахрли ўғлонларимиз жасурлигини намуна

тарзида сиз ўқувчиларга таништириш кони фойда бўлади".

Ҳақиқатан ҳам, Абдурашид Ҳотамов фахрланишга арзийдиган йигит эди. У 1971 йилда туғилиб, қишлоқнинг энг олди полвонларидан бири бўлиб ўсди. Мактабни битиргач, Тошкент Давлат Техника университетига ўқишга кириб, курсдошлари орасида ҳам обрў орттира олди. Шу орада уни ҳарбий хизматга чақириб қолишди. Ҳарбийда ўзи билан тенгдош аскарлардан кўра чидамлироқ ва саботлироқ бўлган Абдурашид тезда моҳир танкчи бўлиб етишди. Минг афсуски, орзулари улғу бу йигит узок Қорабоғ тоғларида учаётган саноксиз дайди ўқларнинг бирига нишон бўлди. Ҳеч кимнинг дилини огритмаган, огир табиат ҳамда ақлли йигит юксак ниятларини-да ўзи билан олиб кетди. Эндиликда Абдурашид Ҳотамов номи пайарикликлар ёдидан чикмайди. Чунки, у юртдошлари дилидан муносиб жой олган ўғлондир.

Насиба АБДУСАИД қизи

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ РАҲБАРЛАРИ
ДИҚҚАТИГА!**

Мактабгача таълим муассасаси ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи республика курси 2000 йилнинг декабрь ойида қуйидаги тоифалар бўйича курслар режалаштирган:

1. Мактабгача таълим муассасаси мудиралари: 1.12.2000 — 29.12.2000.
2. Мактабгача таълим муассасаси услубчилари: 1.12.2000 — 29.12.2000.
3. Мактабгача таълим муассасаси логопедлари: 1.12.2000 — 29.12.2000.
4. Янги типдаги мактабгача таълим муассасаси мутахассислари: 4.12.2000 — 16.12.2000.

Курс давомида тингловчилар учун таниқли педагоглар, олимлар, санъаткорлар матбуот ходимлари билан учрашувлар ва "Темурийлар тарихи" Давлат музейи ҳамда бошқа маданий масканларга саёҳатлар уюштирилади.

Тингловчилар учун курс тасарруфидеги кутубхона, қироатхона, бепул ётоқхона хизматда бўлади. Курсда болалик тингловчилар учун болалар хонаси мавжуд. Суткалик ва йўл харажатлари курс ҳисобидан тўланади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 95, Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 6-уй. Транспорт: Жанубий темир йўл вокзалидан 8-троллейбуснинг "Талабалар шаҳарчаси" (охирги) бекати.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ректорати, касба уюшмаси ва Табиийёт фанлари факультети жамоаси "Биология ва уни ўқитиш методикаси кафедраси" мудири, профессор Абдукарим Зикиряевга акаси, халқ таълими фахрийси

РАҲМОН аканинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

HAYVONOT DUNYOSI

Belgilangan
xonadan raqam
atrofiga soat mili
yo'nalishida:

1. Odamlar mahsulot olish uchun qo'lga o'rgatgan qanotli jonivorlar majmui. 2. Turmushda oziq-ovqat sifatida ishlatilishi bilan birga dori-darmon ham olinadigan suv jonivori. 3. O'zaro bog'langan va tanada belgili bir hayotiy vazifani bajaradigan hujayralar birikmasi. 4. Turli yuqumli kasalliklarni tarqatuvchi zararkunanda hasharot turi. 5. Vitaminlar olinadigan chig'anoq ichida bo'ladigan umurtqasiz yumshoq tanli jonivor. 6. Hayvonlar murdalari bilan oziqlanadigan, sporalar bilan ko'payadigan ildizsiz va urug'siz tuban o'simliklar majmui. 7. Tirik organizm uchun zarur gaz modda. 8. Suvda va quruqlikda yashovchi dumsiz jonivor turkumi. 9. Agar yer yuzida 500 mingga yaqin... turi ma'lum bo'lsa, hayvonlar turi 2,5 mln.ga yetadi. 10. Odamga chivin chaqishi orqali o'tuvchi kasallik. 11. Inson uchun go'sht, sut, sanoat uchun jun, teri va pilla beruvchi jonivorlar turkumi. 12. O'rta Osiyoda rishta, bezgak paraziti va leyshmaniya kabi parazit yashovchi hayvonlarning butunlay tugatilishiga asos solgan tadqiqotchilardan biri. 13. Kemiruvchi hayvon turi. 14. Shifobaxsh shirinlik to'plovchi hasharot. 15. Hayvon va o'simliklarning chirishidan hosil bo'ladigan modda. 16. Boqib mahsulot yetishtiriladigan shoxli, yirik uy hayvoni. 17. Mayda umurtqasiz bo'g'in oyoqli jonivorlar majmui. 18. Hayvonot olami yashovchi maskanlardan biri. 19. Chuvalchanglar tarqalgan sernam yer. 20. Hayvonlarning rivojlangan tashqi ta'sirni sezish, qabul qilib olish qobiliyati. 21. Ba'zi jonivorlarning boshlang'ich urug'i. 22. Tirik organizmning eng sodda va mayda qismi. 23. Boshqa

organizmlarning tanasida yoki ichida yashab, uning hisobiga oziqlanuvchi jonivor. 24. Tabiatda erkin hayot kechiruvchi hayvon va parrandalar majmui. 25. Umurtqali hayvonlarni o'rganish sohasida yirik tadqiqotlar olib borgan atoqli o'zbek zoolog va ekolog olimi. 26. Hayvonlar inson uchun oziq-ovqat va... manbai hisoblanadi. 27. Jonivor hujayrasi shakllaridan biri. 28. Harakat qilish va sezish qobiliyatiga ega bo'lgan har bir tirik mavjudot. 29. Yer sharining janubiy suv havzalarida tarqalgan, terisi qalqonsimon qattiq va qalin, sudraluvchi yirik hayvon. 30. Kaptarlar oilasiga mansub,

xonadonlarga yaqin joyda yashovchi qush. 31. Eng sodda hayvonlarning harakat a'zolaridan biri. 32. Ko'z qovoqlari atrofida joylashgan tuklar.

CHAYNVORD

33. O'zaro o'xshashligi va qon-qarindoshligiga binoan, hayvonlarning bir qancha katta va kichik

guruhlarga ajralishi. 34. Umurtqasiz hayvonlarni o'rganish bo'yicha tadqiqotlar muallifi, o'zbek olimi. 35. Hayvon organizmining to'liq hayoti uchun zarur organik moddalar majmui. 36. Bosh va orqa miyadan barcha a'zolarga tarqalgan va ularning faoliyatini

boshqarib turuvchi juda nozik tomirlar tizimi. 37. Hayvonot olami tarqalgan tabiiy hudud turi. 38. Jonivor go'shti bilan ovqatlanuvchi, shuningdek, qishloq xo'jaligi zararkunandalarini qirib, ularning sonini cheklashga yordam beruvchi hayvon. 39. Yer ostida yashovchi, sudralib yuruvchi jonivor. 40. Jonivorlarni boqib, olinadigan ozuqa mahsuloti turi. 41. Hayvonlarning asosiy sistematik guruhlaridan biri. 42. Oddiy ko'z bilan ko'rib bo'lmaydigan juda mayda jonivor. 43. Golland olimi A. Levengug bir hujayrali hayvonlarni o'rganishni boshlab berishida foydalangan optik asbob. 44. Sanoat uchun xomashyo hisoblanuvchi qush a'zosi. 45. Yuk tashish maqsadida qo'lga o'rgatib boqilgan o'rkachli sut emizuvchi ish hayvoni. 46. Hasharot hosil qiluvchi, iste'mol qilinadigan shifobaxsh shirinlik. 47. Tanadagi to'qima va hujayralar orasidagi bo'shliqni to'ldirib turuvchi va to'qima bilan qon o'rtasida modda almashinuvini ta'minlovchi shaffof suyuqlik. 48. Zoologiyaga oid ilk ilmiy asarlar muallifi, eramizdan avvalgi IV asrda yashagan yunon olimi. 49. Hujayralarning tarkibiga kiruvchi modda. 50. Organik olamning rivojlanishi to'g'risidagi ta'limot asoschisi, ingliz olimi. 51. Plastinka jabrali baliqlarning katta turkumi. 52. Ba'zi jonivorlar tanasining egilgan holati.

Foziljon ORIPOV
tuzdi.

Gazetamizning shu yil 18 noyabr sonida berilgan
«Alisher Navoiy ijodi» aylanma krossvordning javoblari:

Belgilangan xonadan raqam atrofiga soat mili yo'nalishida:

1. Hirot. 2. So'fiy. 3. Xondamir. 4. Foni. 5. Ko'ksaroy. 6. Madrasa. 7. G'aribiy. 8. Ardasher. 9. Muhrdor. 10. Navdar. 11. Mashhad. 12. Karvon. 13. Davlat. 14. Rustam. 15. Adolat. 16. Behisht. 17. Doston. 18. Dehqon. 19. Azamat. 20. "Bo'ston". 21. Farhod. 22. Suhayl. 23. Sulton. 24. Jazira. 25. Yuksak. 26. Mazlum.

27. Nasriy. 28. Nilufar. 29. Sheroziy. 30. "Mufradot". 31. Astrobod. 32. Maqolot. 33. G'oziy. 34. Farog'at. 35. Jomiy. 36. Attor.

MUAMMONOMA

Ochqich so'zlar: 1. "Xamsa". 2. Bobur. 3. Iroq. 4. Layli. 5. Zuhra. 6. Shariat. 7. Nazm. Asarlar: "Munshaot". "Lison ut-tayr". "Xazoyin ul maoniy". "Xamsatul mutahayyirin". "Mahub ul-qulub".

Ma'rifat

ТАБСИС
ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазири, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазири, Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий Кўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БҮРИБОЕВ, Шукр ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ(масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўмонжон РАҲИМЖОНОВ, Йўлдош САИДЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хулқар ТҲИМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Уткир ҲОШИМОВ

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмаханаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газетани IBM компютерида
Лилия БИНАШЕВА саҳифалади.

Навбатчилар: Дилбар ХҲЖАЕВА,
Ҳусан НИШОНОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150.
Г-1017.
Тиражи 18.608.
Г. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида
босилган, қоғоз бичими
А-3.

Босишга топшириш
вақти — 20.00.
Топширилди — 20.15